

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУНЧИЛИК ТҮПЛАМИ

29-сон  
(1153)  
2024 йил  
июль

Ўзбекистон Республикаси қонунчилик түплами беш бўлимдан иборат:

биринчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;

иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари эълон қилинади;

учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари эълон қилинади;

тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;

бешинчи бўлимда вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўtkазилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.

## МУНДАРИЖА

### *Биринчи бўлим*

241. «Ўзбекистон Республикасининг айrim қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2024 йил 17 июлдаги ўРҚ–936-сон Қонуни

### *Иккинчи бўлим*

242. «Ўзбекистон Республикасида туризм инфратузилмасини яхшилаш ва хорижий туристлар оқимини янада оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 18 июлдаги ПФ–102-сон Фармони

243. «Ногиронликни белгилаш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 16 июлдаги ПҚ–257-сон қарори

244. «Ногиронлиги бўлган шахсларга қулай ва тўсиқларсиз муҳит яратиш

бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 18 июлдаги ПҚ-266-сон қарори

245. «Аҳолини давлат томонидан ижтимоий қўллаб-куватлаш тартиби ни тубдан такомиллаштириш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 18 июлдаги ПҚ-267-сон қарори
246. «Туризм соҳасида кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 18 июлдаги ПҚ-269-сон қарори
247. «Сиёсий қатағон қурбони бўлган юртдошларимиз хаёти ва фаолиятини ўрганиш, тарғиб этиш ҳамда уларнинг хотирасини агадийлаштириш борасидаги ишларни кенгайтириш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 19 июлдаги ПҚ-270-сон қарори
248. «Волейбол спорт турларини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 19 июлдаги ПҚ-274-сон қарори

### *Бешинчи бўлим*

249. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Солиқ қўмитасининг 2024 йил 28 июндаги 2024-09-сон “Ундирилиши умидсиз деб эътироф этилган солиқ қарзини ҳисобдан чиқариш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2024 йил 17 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3256-1*)
  250. O‘zbekiston Respublikasi Sog‘liqni saqlash vazirligining 2024-yil 27-iyundagi 21-son, Investitsiyalar, sanoat va savdo vazirligining 2024-yil 24-iyundagi 20-365-son hamda Davlat aktivlarini boshqarish agentligining 2024-yil 21-iyundagi 135/25-qr-son “Tashkent Pharma Park” innovatsion ilmiyishlab chiqarish farmatsevtika klasteri hududida investitsiya loyihibalarini joylashtirish, klaster a’zolari (ishtirokchilar)ni ro‘yxatdan o’tkazish va ularga guvohnomalarni berish tartibi to‘g‘risidagi nizomga qo’shimchalar kiritish haqida”ги қарори (*O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2024-yil 17-iyulda ro‘yxatdan o’tkazildi, ro‘yxat raqami 3489-1*)
  251. Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёт ва молия вазирининг 2024 йил 14 июндаги 138-сон “Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти (12-сонли БХМС) “Молиявий инвестицияларни ҳисобга олиш”ни тасдиқлаш ҳақида”ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2024 йил 18 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3531*)
- Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий хужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисидаги маълумот

**БИРИНЧИ БЎЛИМ****ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИННИГ ҚОНУНИ****241 Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатлари-  
га ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида\***

Конунчилик палатаси томонидан 2024 йил  
21 майда қабул қилинган

Сенат томонидан 2024 йил 10 июля  
маъқулланган

Кейинги йилларда қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлардан ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиширувчиларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш бўйича тизимли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга етиширилаётган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг ҳажмларини ошириш, қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкаларини иккиласми ижарага бериш имкониятларини кенгайтириш, пиллачилик ва тутчиликка ихтисослашган фермер хўжаликларига, агросаноат кластерларига ва бошқа юридик шахсларга ер участкалари ажратилишининг хуқукий асосларини белгилаш, шунингдек ер эгалари, ердан фойдаланувчилар ва ижарачилар томонидан ерлардан фойдаланиш шартларини қайта кўриб чиқиш зарурияти мавжудdir.

Ушбу Қонун билан Ўзбекистон Республикасининг Ер кодексига ҳамда «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкаларининг дала четларидаги каналлар, суфориш ва коллектор-дренаж тармоқлари атрофидаги майдонлари ўн йилгacha бўлган муддатга иккиласми ижарага берилиши мумкинлигини, шунингдек ер эгалари, ердан фойдаланувчилар ва ижарачилар томонидан мазкур ер участкаларида ҳамда боғлар ва токзорларнинг қатор ораларига мақбул экинлар экилишини ёки тут кўчатлари ўтқазилишини назарда тутувчи ўзгариши ва қўшимчалар киритилмоқда.

Бундан ташқари Ўзбекистон Республикасининг Ер кодексига пиллачилик ва тутчиликка ихтисослашган фермер хўжаликларига, агросаноат кластерларига ва бошқа юридик шахсларга майдони ўн гектаргacha бўлган ер участкалари ажратилиши мумкинлиги тўғрисидаги қўшимча киритилмоқда.

Шунингдек Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексида Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги хузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги хузуридаги Сув

\* Ушбу Қонун «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2024 йил 18 июля өзлон қилинган.

хўжалиги обьектлари хавфсизлигини ва сувдан фойдаланишни назорат қилиш инспекцияси органларининг маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқишга доир ваколатлари белгиланмоқда.

Ушбу Конун ер участкаларидан самарали фойдаланиш ҳамда пиллачилик ва тутчиликни янада ривожлантириш орқали қишлоқ хўжалиги маҳсулотини етиштириш имкониятларини кенгайтиришга, шунингдек ер участкаларидан ва сув ресурсларидан фойдаланишда қонун устуворлигини мустаҳкамлашга хизмат қиласди.

**1-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2015–XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 3, 6-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 9, 193-модда, № 12, 269-модда; 1996 йил, № 5-6, 69-модда, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 4-5, 126-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 3, 38-модда, № 5-6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда, № 7-8, 217-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда, № 9-10, 165, 182-моддалар; 2002 йил, № 1, 20-модда, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 5, 67-модда, № 9-10, 149-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 5, 90-модда, № 9, 171-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 312-модда, № 12, 413, 417, 418-моддалар; 2006 йил, № 6, 261-модда, № 9, 498-модда, № 10, 536-модда, № 12, 656, 659-моддалар; 2007 йил, № 4, 158, 159, 164, 165-моддалар, № 9, 416, 421-моддалар, № 12, 596, 604, 607-моддалар; 2008 йил, № 4, 181, 189, 192-моддалар, № 9, 486, 488-моддалар, № 12, 640, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 9, 334, 335, 337-моддалар, № 10, 380-модда, № 12, 462, 468, 470, 472, 474-моддалар; 2010 йил, № 5, 175, 179-моддалар, № 6, 231-модда, № 9, 335, 339, 341-моддалар, № 10, 380-модда, № 12, 468, 473, 474-моддалар; 2011 йил, № 1, 1-модда, № 4, 104, 105-моддалар, № 9, 247, 252-моддалар, № 12/2, 365-модда; 2012 йил, № 4, 108-модда, № 9/1, 242-модда, № 12, 336-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда, № 5, 130-модда, № 9, 244-модда, № 12, 341, 343-моддалар; 2015 йил, № 6, 228-модда, № 8, 310, 312-моддалар, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 1, 2-модда, № 4, 125-модда, № 9, 276-модда, № 12, 383, 385-моддалар; 2017 йил, № 4, 137-модда, № 6, 300-модда, № 9, 510-модда, № 10, 605-модда; 2018 йил, № 1, 1, 4, 5-моддалар, № 4, 224-модда, № 7, 430, 431, 432-моддалар, № 10, 671, 673, 679-моддалар; 2019 йил, № 1, 1, 3, 5-моддалар, № 2, 47-модда, № 3, 161, 165, 166-моддалар, № 5, 259, 261, 267, 268-моддалар, № 7, 386-модда, № 8, 469, 471-моддалар, № 9, 591, 592-моддалар, № 10, 674, 676-моддалар, № 11, 787, 791-моддалар, № 12, 880, 891-моддалар; 2020 йил, № 1, 4-модда, № 3, 203, 204-моддалар, № 7, 449-модда, № 9, 539, 540-моддалар, № 10, 593, 596-моддалар, № 11, 651-модда, № 12, 691-модда; 2021 йил, № 1, 5, 7, 12, 13, 14-моддалар, № 2, 142-модда, № 3, 217-модда, № 4, 290,

293-моддалар, 4-сонга илова, № 8, 800, 802, 803-моддалар, № 9, 903-модда, № 10, 966, 967, 968, 973-моддалар, № 11, 1066-модда; 2022 йил, № 1, 1, 2-моддалар, № 2, 80, 81-моддалар, № 3, 215, 216-моддалар, № 4, 337-модда, № 5, 464, 465, 466, 467-моддалар, № 8, 787-модда, № 10, 981, 984-моддалар, № 12, 1188-модда; 2023 йил, № 3, 184, 185, 188, 189-моддалар, № 4, 265, 266, 268-моддалар, № 5, 319, 320-моддалар, № 7, 533, 534, 535, 537, 539-моддалар, № 8, 634-модда, № 10, 798-модда, № 11, 921, 923, 924-моддалар, № 12, 1004-модда; 2024 йил, № 1, 5, 7, 8, 9-моддалар, № 2, 102, 111, 115, 116-моддалар, № 3, 243, 245-моддалар) қуидаги ўзгартеришлар ва қўшимча киритилсин:

1) **245<sup>7</sup>-модда** қуидаги таҳирда баён этилсин:

**«245<sup>7</sup>-модда. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси органлари**

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси органларига ушбу Кодекснинг 65, 68-моддаларида (қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларга оид қисми), 69-моддасида (қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларнинг чегара белгиларига оид қисми), 87-моддасида (қишлоқ хўжалиги, мелиорация ва йўл қурилиши техникасига оид қисми), 89 ва 89<sup>1</sup>-моддаларида (қишлоқ ва сув хўжалигига оид қисми), 104<sup>1</sup>, 104<sup>2</sup>, 112-моддаларида, 125-моддасининг бешинчи, олтинчи ва еттинчи қисмларида, 135, 139, 140, 141-моддаларида (қишлоқ хўжалиги, мелиорация ва йўл қурилиши техникасига оид қисми), 200, 212, 213, 214, 227<sup>14</sup>-моддаларида (қишлоқ хўжалигига оид қисми) назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар тааллуклидир.

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси номидан маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ва маъмурий жазоларни қўллашга Инспекция бошлиғи ва унинг ўринбосарлари, Инспекция худудий бошқармаларининг ҳамда Инспекция туманлар (Кувасой шахар) бўлимларининг бошлиқлари ва бошлиқ ўринбосарлари ҳақлидир»;

2) қуидаги мазмундаги **245<sup>11</sup>-модда** билан тўлдирилсин:

**«245<sup>11</sup>-модда. Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Сув хўжалиги объектлари хавфсизлигини ва сувдан фойдаланишни назорат қилиш инспекцияси органлари**

Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Сув хўжалиги объектлари хавфсизлигини ва сувдан фойдаланишни назорат қилиш инспекцияси органларига ушбу Кодекс 74-моддасининг иккинчи ва учинчи қисмларида, 75, 76-моддаларида (сунъий сув объектларидан ва қишлоқ хўжалигига мўлжалланган сув ресурсларидан фойдаланишга оид қисми) назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар тааллуклидир.

Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Сув хў-

жалиги объектлари хавфсизлигини ва сувдан фойдаланишни назорат қилиш инспекцияси номидан маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ва маъмурий жазоларни қўллашга Инспекция бошлиғи ва унинг ўринбосарлари, Инспекциянинг бўлим бошлиқлари, Инспекция худудий бошқармаларининг бошлиқлари ҳамда уларнинг бўлим бошлиқлари ҳақлидир»;

**3) 266<sup>2</sup>-модда** чиқариб ташлансин.

**2-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 30 апрелда қабул қилинган 598-I-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Ер кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, № 5-6, 82-модда; 2003 йил, № 9-10, 149-модда; 2004 йил, № 5, 90-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 12, 608-модда; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 12, 472-модда; 2011 йил, № 1, 1-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда, № 9, 244-модда; 2015 йил, № 8, 312-модда; 2017 йил, № 9, 510-модда; 2018 йил, № 1, 1-модда, № 4, 224-модда, № 7, 432-модда, № 12, 781-модда; 2019 йил, № 1, 1-модда, № 3, 161-модда, № 4, 199-модда, № 8, 469-модда, № 11, 792-модда; 2020 йил, № 9, 540-модда; 2021 йил, № 1, 3-модда, 4-сонга илова, № 8, 800-модда; 2022 йил, № 6, 570, 577-моддадар; 2023 йил, № 10, 795-модда, № 11, 919-модда) қўйидаги ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин:

**1) 24<sup>2</sup>-модданинг иккинчи қисми** қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Кишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкаси бир йилгача бўлган муддатга, қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкаларининг дала четларидаги каналлар, суфориш ва коллектор-дренаж тармоқлари атрофидаги майдонлари эса қишлоқ хўжалиги маҳсулотини етишириш учун ўн йилгача бўлган муддатга иккиласми ижарага берилиши мумкин, бундан ушбу модданинг учинчи қисмида назарда тутилган ҳоллар мустасно»;

**2) 40-модданинг биринчи қисми** қўйидаги мазмундаги **1<sup>1</sup>** ва **1<sup>2</sup>-бандлар** билан тўлдирилсин:

«<sup>1<sup>1</sup></sup>) қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкаларининг дала четларидаги каналлар, суфориш ва коллектор-дренаж тармоқлари атрофидаги майдонларида мақбул экинлар экилишини ёки тут кўчатлари ўтқазилишини таъминлаш;

<sup>1<sup>2</sup>)</sup> асосий экинларнинг ривожланишига салбий таъсири бўлмаган ҳолларда боғлар ва токзорларнинг қатор ораларига даромад келтириши мумкин бўлган мақбул экинлар экилишини таъминлаш»;

**3) 46<sup>1</sup>-модда:**

**2-бандининг олтинчи хатбошиси** қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Фаллачиликка, сабзавотчиликка, пиллачилик ва тутчиликка ихтисослашганларга — камида 10 гектар»;

**3-банди** қўйидаги мазмундаги **еттинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«пиллачилик ва тутчиликка ихтисослашганларга — камида 10 гектар».

**3-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 30 апрелда қабул қилинган «**Фермер хўжалиги тўғрисида**»ги 602—I-сонли Конунига (Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил 26 августда қабул қилинган 662-II-сонли Конуни таҳририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2004 йил, № 9, 162-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 3, 119-модда; 2007 йил, № 12, 608-модда; 2008 йил, № 12, 640-модда; 2009 йил, № 12, 472-модда; 2011 йил, № 9, 248-модда; 2012 йил, № 9/1, 238-модда; 2013 йил, № 10, 263-модда; 2015 йил, № 8, 312-модда; 2016 йил, № 12, 383, 385-моддалар; 2018 йил, № 4, 224-модда, № 12, 781-модда; 2019 йил, № 4, 199-модда, № 12, 886-модда; 2020 йил, № 1, 2-модда, № 9, 540-модда, № 11, 652-модда; 2021 йил, 4-сонга илова; 2022 йил, № 6, 570-модда) қўйидаги қўшимча ва ўзгартиришлар киритилсан:

**1) 13-модда:**

**учинчи қисми** «юридик ва жисмоний шахсларга бир йилгача бўлган муддатга иккиласми ижарага берилиши (учинчи шахсларга бериш хукуқисиз) мумкин» деган сўзлардан кейин «бундан ушбу модданинг тўртинчи қисмida назарда тутилган ҳоллар мустасно» деган сўзлар билан тўлдирилсан;

қўйидаги мазмундаги **тўртинчи қисм** билан тўлдирилсан:

«Фермер хўжалигига берилган ер участкасининг дала четларидаги каналлар, суфориш ва коллектор-дренаж тармоқлари атрофидаги майдонлари юридик ва жисмоний шахсларга қишлоқ хўжалиги маҳсулотини етиштириш учун ўн йилгача бўлган муддатга қонунчиликка мувофиқ иккиласми ижарага (учинчи шахсларга бериш хукуқисиз) берилishi мумкин»;

**тўртинчи — ўн биринчи қисмлари** тегишинча **бешинчи — ўн иккинчи қисмлар** деб ҳисоблансан;

**2) 16-модданинг биринчи қисми:**

қўйидаги мазмундаги **тўртинчи хатбоши** билан тўлдирилсан:

«ер участкасининг дала четларидаги каналлар, суфориш ва коллектор-дренаж тармоқлари атрофидаги майдонларини юридик ва жисмоний шахсларга қишлоқ хўжалиги маҳсулотини етиштириш учун қонунчиликка мувофиқ иккиласми ижарага (учинчи шахсларга бериш хукуқисиз) бериш»;

**тўртинчи — ўн саккизинчи хатбошилари** тегишинча **бешинчи — ўн тўққизинчи хатбошилар** деб ҳисоблансан;

**3) 17-модданинг биринчи қисми:**

қўйидаги мазмундаги **учинчи ва тўртинчи хатбошилар** билан тўлдирилсан;

«қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкаларининг дала четларидаги каналлар, суфориш ва коллектор-дренаж тармоқлари атрофидаги майдонларида мақбул экинлар экилишини ёки тут кўчатлари ўтқазилишини таъминлаши;

асосий экинларнинг ривожланишига салбий таъсири бўлмаган ҳолларда боғлар ва токзорларнинг қатор ораларига даромад келтириши мумкин бўлган мақбул экинлар экилишини таъминлаши»;

**учинчи — ўн олтинчи хатбошилари** тегишинча **бешинчи — ўн саккизинчи хатбошилар** деб ҳисоблансан.

**4-модда.** Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Сув хўжалиги вазирлиги ва бошқа манфаатдор ташкилотлар ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунирилишини таъминласин.

**5-модда.** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси: ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирун; республика ижро этувчи ҳокимият органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-хуқуқий хужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

**6-модда.** Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2024 йил 17 июль,  
ЎРҚ-936-сон

## ИККИНЧИ БЎЛИМ

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

#### **242 Ўзбекистон Республикасида туризм инфратузилмасини яхшилаш ва хорижий туристлар оқимини янада оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида\***

Мамлакатимиз ҳудудларида янги туризм индустрияси обьектларини кўпайтириш орқали қулай саёҳат қилиш учун зарур шарт-шароитлар яратиш, жаҳон бозорида миллий туризм маҳсулотларини фаол тарғиб қилишнинг замонавий механизмларини жорий қилиш, ички туризм имкониятларини янада кенгайтириш, транспорт логистикасидаги мавжуд муаммоларни ҳал этиш, шунингдек, соҳага тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб қилиш мақсадида:

1. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ, туризм соҳасида қулай тадбиркорлик мухитини яратиш ва туризм хизматлари экспортини кенгайтириш мақсадида:

а) 2024 йил 1 сентябрдан бошлаб кириш туризми фаолиятини амалга оширувчи Ўзбекистон Республикаси резиденти бўлган туроператорларни хорижий мамлакатлардан республикага туристларни олиб келишда айланма маблаг билан тъминлаш учун Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси томонидан республика тиҷорат банклари орқали 50 миллион АҚШ доллари эквивалентида миллий валютада йиллик 14 фоиз ставкада кредит линияси очилади. Бунда:

тиҷорат банклари томонидан Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси ресурслари ҳисобидан ажратиладиган кредитлар бўйича белгиланган йиллик фоиз ставкаси таркибида банк маржаси 3 фоиздан ошмаган миқдорда ўрнатилади;

кредит маблағлари туроператорларга 2 йиллик имтиёзли давр (фоиз ва асосий қарздан) билан 10 йил муддатга ажратилади;

Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси томонидан тиҷорат банкларига ресурслар 3 йиллик имтиёзли давр билан 12 йил муддатга ажратилади;

б) 2025 йил 1 августга қадар Қоракалпоғистон Республикасида рўйхатга олиниб, лицензияга эга бўлган туроператорларга, истисно тариқасида, экстремал турларни ташкил қилиш учун двигатель хажми 2,4 литрдан кам бўлмаган юқори ўтиш қобилиятига эга транспорт воситалари импорт қилинаётганда божхона божи ва утилизация йиғимини амалдаги ставканинг 25 фоизи миқдорида 3 йил муддатга бўлиб-бўлиб тўлашга руҳсат этилади.

Бунда, ушбу транспорт воситаси импорт қилинган кундан бошлаб 3 йил

---

\* Ушбу Фармон «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2024 йил 23 июлда эълон қилинган.

давомида Коракалпогистон Республикаси худудидан ташқарида фойдаланилганлиги, бошқа шахсларга сотилганлиги ёки ўтказилганлиги ёхуд ижарага берилганлиги аниқланган тақдирда, божхона божи ва утилизация йиғими тўлиқ ҳажмда импорт қилган шахсдан ундириб олинади;

в) 2025 йил 1 августга қадар туризм соҳасида фаолият юритувчи тадбиркорлик субъектлари томонидан импорт қилинадиган автобус ва микроавтобуслар божхона божидан озод этилади. Бунда:

мазкур имтиёзлар Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудига олиб кирилаётган янги ишлаб чиқарилган, «Евро-5» ва ундан юқори экологик тоифа талабларига мос келадиган автобус ва ҳайдовчидан ташқари саккиз ва ундан ортиқ ўриндиқларга эга бўлган микроавтобуслар учун тақдим этилади;

импорт қилинган автобуслар ва микроавтобуслар импорт қилинган кундан бошлаб З йил давомида бошқа шахсга сотилган ёки ўтказилган ёхуд ижарага берилган тақдирда, тақдим этилган имтиёзлар бекор қилинади ҳамда божхона божи белгиланган тартибда тўлиқ ҳажмда импорт қилган шахсдан ундириб олинади;

г) Экология, атроф-мухитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги ҳузуридаги Туризм қўмитаси (кейинги ўринларда — Туризм қўмитаси) томонидан рўйхати шакллантириладиган халқаро туризм ярмаркалари ва кўргазмаларида туризм соҳасидаги тадбиркорлар, ҳунармандлар, маданият ва санъат вакиллари иштирок этади. Бунда, 2025 йил 1 январдан бошлаб:

халқаро туризм ярмарка ва кўргазмалари учун Коракалпогистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетидан 1 миллиард сўмдан кам бўлмаган маблағлар ажратилади;

фаолият бошлаганига З йилдан кўп бўлмаган туроператорларнинг халқаро туризм ярмарка ва кўргазмаларидаги павильон ижараси харажатининг 50 фоизи Туризм қўмитасининг бюджетдан ташқари Туризмни қўллаб-куватлаш жамғармаси (кейинги ўринларда — Жамғарма) маблағлари ҳисобидан қоплаб берилади;

хунармандларнинг халқаро туризм ярмаркалари ва кўргазмаларидаги павильон ижараси, уларда намойиш этиладиган маҳсулотларини ташиб ва авиачипта харажатларининг 50 фоизи Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги ҳузуридаги Ҳунармандчилик ва касаначиликни қўллаб-куватлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан қоплаб берилади.

## 2. Қуйидагилар:

Туризмни ривожлантириш бўйича республика жамоатчилик кенгashi (кейинги ўринларда — Республика кенгashi) таркиби 1-иловага\* мувофиқ;

Туризмни ривожлантириш бўйича маҳаллий жамоатчилик кенгашларининг (кейинги ўринларда — маҳаллий кенгаш) намунавий таркиби 2-иловага\* мувофиқ;

Хорижий ва маҳаллий туристлар оқимини янада ошириш бўйича «йўл харитаси» 3-иловага\* мувофиқ тасдиқлансан.

## 3. Туризм қўмитасининг Ўзбекистон Республикасининг туризм маҳсу-

\* 1 — 3-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

лотини халқаро ва ички туризм бозорларида тарғиб қилиш, саёхат ва дам олиш учун хавфсиз мамлакат сифатидаги имижини янада мустаҳкамлашга қаратилган қўйидагиларни назарда тутувчи янги миллий туризм брендини (танитиш белгиси) яратиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин:

маркетинг ва брендинг консалтинг компанияларини жалб қилган ҳолда Ўзбекистон Республикасининг янги миллий туризм бренди (кейинги ўринларда — туризм бренди)ни ишлаб чиқиш;

туризм брендининг мақсадли бозорлар (аудитория) талабларидан келиб чиқиб, хорижий мамлакатларда Ўзбекистоннинг тарихий, маданий, гастро-номик, тиббий ва соғломлаштириш, археологик, экологик ва экстремал каби туризмнинг турлари тўғрисида контентлар яратиш;

замонавий маркетинг технологияларидан, шу жумладан халқаро медиа ва ижтимоий платформалар, бутунжаҳон спорт, маданият ва санъат тадбирлари майдонидан фойдаланган ҳолда туризм брендини тарғиб қилиш тизимини яратиш.

#### 4. Туризм қўмитаси:

2024 йил 1 октябрга қадар янги миллий туризм брендини яратиш учун танлов ўтказсин;

2024 йил Халқаро туризм куни доирасида биринчи глобал сайёхлик медиакампусини ташкил қилсин;

2024-2025 йилларда аудиторияси 10 миллиондан ортиқ бўлган 50 нафаргача хорижий журналист, блогер, влогер ва инфлюэнсерларни жалб қилсин.

#### 5. Белгилансинки:

а) Ўзбекистон Республикаси резиденти бўлган туроператорларнинг ўз маҳсулотларини тарғиб қилиш мақсадида республикага олиб келган машҳур хорижий блогерларнинг (аудиторияси 1 миллиондан кам бўлмаган) яшаш харажатлари Жамғарма маблағлари ҳисобидан қоплаб берилади.

Бунда, машҳур блогерларни олиб келиш бўйича сарф-харажатлар сметаси Туризм қўмитаси билан олдиндан келишилади;

б) Республика кенгаши ҳар чоракда камида бир маротаба, маҳаллий кенгашлар ҳар ойда бир маротаба туризм соҳаси субъектлари фаолияти, туризм инфратузилмаси ва транспорт логистикаси соҳаларида вужудга келаётган муаммоларни кўриб чиқиб, уларни бартараф қилиш ва мавсум олди тайёргарлик кўриш ҳамда олдиндан хабар бериш тартиби асосида фаолият юритади;

в) 2025 йил 1 январдан бошлаб камида 100 нафар хорижий иштирокчиси бўлган уч кундан кам бўлмаган бизнес тадбирларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ташкил қилган тадбиркорлик субъектлари 2028 йил 1 январгача ушбу бизнес тадбирларни ташкил қилишдан олинган даромаддан олинган фойда солигини ушбу солиқ бўйича белгиланган солиқ ставкасига нисбатан 50 фоизга камайтирилган солиқ ставкаси бўйича тўлайди.

#### 6. Туризм қўмитаси:

бир ой муддатда миллий туризм делегацияси иштирок этиши лозим бўлган кўргазмалар рўйхатини қайта кўриб чиқиб, Вазирлар Маҳкамасига тасдиқлаш учун киритсин;

уч ой муддатда фаолият бошлаганига 3 йилдан кўп бўлмаган туроператорларнинг халқаро туризм ярмарка ва кўргазмаларида павильон ижараси харажатининг 50 фоизини Жамғарма маблағлари ҳисобидан қоплаб бериш бўйича норматив-хуқуқий ҳужжат лойихасини ишлаб чиқиб, Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

Маданият вазирлиги «Хунарманд» уюшмаси билан биргаликда 2024 йил 1 декабрга қадар хорижий мамлакатлар кесимида халқаро туризм кўргазмаларида намойиш қилиш учун маданий, гастрономик ва хунармандчилик контентини ишлаб чиқсин.

7. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлеклари 2025 йилдан бошлаб ҳар йили халқаро туризм ярмаркалари ва кўргазмалари учун маҳаллий бюджетдан Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳалқ депутатлари кенгашларига тақдимнома киритган ҳолда 1 миллиард сўмдан кам бўлмаган маблағлар ажратиб бориш чораларини кўрсинг.

8. Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги икки ой муддатда халқаро фестивалларда қатнашадиган хунармандларга павильон ижараси, уларда намойиш этиладиган маҳсулотларини ташиш ҳамда авиаҷипта харажатларининг 50 фоизини Хунармандчилик ва касаначиликни қўллаб-куvvatлаш жамғармасидан қоплаб бериш тартибини назарда тутувчи қарор лойихасини Вазирлар Маҳкамасига тасдиқлаш учун киритсин.

9. Вазирлар Маҳкамаси (Ж. Қўчкоров, Ж. Ходжаев) икки ой муддатда туроператорларга айланма маблағ учун экспорт олди молиялаштиришга 50 миллион долларгача ресурс ажратиш ва уни мақсадли ишлатиш тартибини жорий этиш бўйича норматив-хуқуқий ҳужжат лойихасини киритсин.

10. Туризм қўмитаси Стратегик ислоҳотлар агентлиги билан биргаликда 2024 йил 1 декабрга қадар илфор хорижий тажрибани ўрганган ҳолда «Мавжуд туризм маҳсулотларини тақдим этиш» моделидан «Мижозга нима керак» моделига ўтишнинг қисқа муддатли концепциясини ишлаб чиқсин.

Бунда, сайёхларнинг фикрини ўрганиш мақсадида халқаро аэропортлар, чегара ўтказиш пунктлари ва туризм намойиши объектларида QR-код асосида сўровлар ўтказиб борилиши назарда тутилади.

11. Транспорт вазирлиги, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Рақамли технологиялар вазирлиги 2024 йил 1 декабрга қадар юртимиздаги барча авиа, темир йўл ва автобус қатновлари ҳақида маълумот ва чипта олиш имконини берадиган ягона онлайн платформани ишга туширсин.

12. Транспорт вазирлиги:

авиа, темир йўл ва автобус чипталарини табақалаштирилган нархларда камида олти ой олдин савдога чиқариш тизимини жорий қўлсин;

Наврўз умумхалқ байрами, Мустақиллик куни, Янги йил байрами ва Рамазон ҳайити (Ийд ал-Фитр) ҳамда Қурбон ҳайити (Ийд ал-Адҳа) диний байрамларини нишонлаш даврида республика худудларини боғловчи қўшимча авиа, темир йўл ва автобус қатновларини йўлга қўйсин;

Туризм қўмитаси билан биргаликда маҳаллий ва хорижий фуқароларни транспорт ва туризм соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотлардан хабардор қилиш мақсадида амалга оширилаётган тадбирлар, жумладан, очилаётган янги рейслар, рейслардаги юкламалар, шакллантирилаётган янги авиа ва төмир йўл маршрутлари тўғрисида маълумотларни мунтазам равишда оммавий ахборот воситалари ва ижтимоий тармоқларда ёритиб борсин.

13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 8 июлдаги «Худудларнинг иқтисодий салоҳиятини рўёбга чиқариш ва бўш ер участкаларидан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-245-сон қарорининг 3-иловаси билан мастер-режалар ишлаб чиқиладиган 20 та туман (шахар)ларнинг рўйхати тасдиқланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

Белгилансинки, мастер-режалар ишлаб чиқиладиган ҳудудларда ер участкаларини сотишдан тушган маблағлар биринчи навбатда Жамғарма харжатларини қоплашга йўналтирилади.

14. Иқтисодиёт ва молия вазирининг ўринbosари С. Саъдуллаев мастер-режалар ишлаб чиқиладиган 20 та туман (шахар) ҳудудларида инфратузилмани ривожлантириш билан боғлиқ масалаларни молиялаштириш учун масъул этиб белгилансин.

15. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги мастер-режалар ишлаб чиқиладиган 20 та туман (шахар) ҳудудларида муҳандислик-коммуникация тармоқларини яхшилаш учун:

2024 йил 31 декабрга қадар Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан 100 миллиард сўм ажратсин;

2025 йил учун Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш бўйича давлат дастурида 132 миллиард сўм ажратиш кўзда тутилишини таъминласин.

16. Туризм қўмитаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги билан биргаликда уч ой муддатда бизнес туризмини (MICE) ривожлантириш учун янада қулай мухит яратишга қаратилган норматив-хуқуқий хужжат лойиҳасини ишлаб чиқиб, Вазирлар Маҳкамасига киритсан.

17. Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлими вазирлиги, Транспорт вазирлиги, Мудофаа вазирлиги бир ой муддатда Мўйноқ ва Паркент туманларида экстремал туризмни ривожлантириш дастурини ишлаб чиқиб, Вазирлар Маҳкамасига киритсан.

18. Вазирлар Маҳкамаси (Ж. Қўчкоров), Курилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги икки ой муддатда кичик бизнесга тайёр жойни қуриб таклиф қилиш тизимини яратиш бўйича таклифларни киритсан.

19. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим хужжатларига 4-иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсан.

20. Мазкур Фармоннинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринbosари Ж.А. Қўчкоров ҳамда экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлими ўзгариши вазири А.А. Абдуҳакимов белгилансин.

Фармон ижроси учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш

ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2024 йил 18 июль,  
ПФ-102-сон

Ўзбекистон Республикаси  
Президентининг 2024 йил 18 июлдаги  
ПФ-102-сон Фармонига  
4-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатлариға  
киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 17 августдаги «Тошкент шаҳрида бошқарувнинг алоҳида тартибини жорий этиш бўйича ҳуқуқий эксперимент тўғрисида»ги ПФ-5515-сон Фармони 2-бандининг бешинчи хатбошисидаги «Тошкент шаҳар туризм ва спорт бош бошқармаси ҳамда туманлар туризм ва спорт бўлимлари» сўзлари «Тошкент шаҳар туризм бошқармаси» сўзлари билан алмаштирилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 30 апрелдаги «Миллий қонунчилик базасини комплекс тизимлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-6218-сон Фармони 5-илювасининг 21-позицияси «Амалга ошириш муддатлари» устунидаги «2024 йил II чорак» сўзлари «2024 йил IV чорак» сўзлари билан алмаштирилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 11 апрелдаги «Тибиётда хусусий сектор фаолиятига қўшимча қулайликлар яратиш ва соҳа ходимларини қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-102-сон Фармони 1-банди тўртинчи хатбошисидаги «даволаш муассасалари» сўзларидан кейин «(бундан санаторий ва пансионатлар мустасно)» сўзлари билан тўлдирилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 30 октябрдаги «Туризм, маданий мерос ва музейшунослик соҳаларида малакали кадрлар тайёрлашнинг узлуксиз тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-5270-сон қарорида:

1-банднинг «в» кичик банди тўртинчи хатбошисидаги «Бўstonлик туризм ва сервис коллажлари ҳамда Тошкент туризм ва бизнес коллажини» сўзлари «Бўstonлик туризм ва сервис коллажларини» сўзлари билан алмаштирилсин;

1-иловадан «Тошкент туризм ва бизнес коллажи» блоки чиқариб ташлансин.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 27 январдаги «Хизматлар соҳасини ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-104-сон қарори 2-бандининг «в» кичик бандида:

биринчи хатбоши «2025 йил 1 январга қадар» сўзларидан кейин «туризм марказларида, шунингдек,» сўзлари билан тўлдирилсин;

тўртинчи хатбошидаги «Туризм ва спорт вазирлиги ҳамда Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигининг ҳудудий бош бошқармалари» сўзлари «Туризм қўмитаси ҳамда Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг ҳудудий бошқармалари» сўзлари билан алмаштирилсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 30 апрелдаги «Ички туризм хизматларини диверсификация қилишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-232-сон қарорининг 16-банди биринчи хатбошидаги «июль ойида» сўзлари «20 июлдан 20 августга қадар» сўзлари билан алмаштирилсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 27 июлдаги «Туризм йўналишидаги ислоҳотларни янада жадаллаштириш ва соҳада давлат бошқаруви тизимини самарали ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-238-сон қарорида:

а) 2-банднинг «а» кичик банди қўйидаги таҳрирдаги еттинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«Белгилансинки қаватлар сони билан боғлиқ талаблар ЮНЕСКОнинг Умумжаҳон маданий мероси рўйхатига киритилган ҳудудларда ёки тоғли ва тоғолди ҳудудларда янги қурилган меҳмонхоналарга татбиқ этилмайди»;

б) 3-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«3. 2024 йил 1 январдан бошлаб ногиронлиги бўлган шахсларнинг саёҳат қилишлари учун қулай муҳит яратишга қаратилган «Тўсиқсиз туризм» дастури амалга оширилсин. Бунда туризм, маданий мерос, концерт-томоша обьектлари ҳамда аэропорт, авто ва темир йўл вокзалларида ногиронлиги бўлган шахсларнинг тўсиқсиз ҳаракатланиши учун зарур инфратузилма яратиш механизmlари жорий қилинсин».

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ҚАРОРИ**

**243 Ногиронликни белгилаш тизимини такомиллаштириш  
бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида\***

Ногиронликни белгилашнинг самарали механизмларини жорий этиш, тиббий-ижтимоий экспертиза хизмати тизимини такомиллаштириш ҳамда ногиронлиги бўлган шахсларнинг жамият ҳаётида иштирок этиши учун зарур шарт-шароитлар яратиш мақсадида:

1. Ногиронликни белгилаш тизимини такомиллаштиришнинг асосий ўйналишлари этиб қўйидагилар белгилансин:

ногиронликни эрта аниқлаш ва олдини олишда бирламчи тиббий-санитария ёрдами мутахассисларининг маъсулиятини ошириш;

ногиронликни белгилаш жараёнларининг шаффоғлигини ошириш орқали соҳадаги бюрократик тўсиқлар ва коррупциявий омилларни бартараф этиш;

шахсларнинг кундалик ҳаётдаги фаоллиги ва иштирокини (кейинги ўринларда — функционаллiği) баҳолаш натижаларини инобатга олган ҳолда ногиронликни белгилаш тизимини жорий этиш;

ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳаёт сифатини яхшилаш ҳамда ижтимоийлаштириш учун уларнинг эҳтиёжларини тўғри ва ўз вақтида аниқлаш.

2. Ногиронликни белгилашнинг қўйидаги тартиби жорий этилсин:

а) 2024 йил 1 сентябрдан бошлаб Тошкент шахри ва Навоий вилоятининг туман (шаҳар)ларида босқичма-босқич эксперимент тариқасида, 2025 йил 1 сентябрга қадар республиканинг қолган ҳудудларида:

фуқароларга ногиронликни белгилаш бўйича Ягона интерактив давлат хизматлари портали, «Инсон» ижтимоий хизматлар марказлари ёки ижтимоий ходимлар орқали оиласиб шифокорларга мурожаат қилиш имконияти яратилади;

тиббий-ижтимоий экспертиза комиссияси (кейинги ўринларда — ТИЭК) кўрги учун фуқароларнинг тиббий ҳужжатларини йўллаш оиласиб шифокорлар томонидан электрон тарзда амалга оширилади. Бунда врачлик-маслаҳат комиссиялари (кейинги ўринларда — ВМК) оиласиб шифокорлар томонидан тиббий ҳужжатлар ўз вақтида тўғри расмийлаштирилган ҳолда юборилишига услубий кўмаклашади;

«Инсон» ижтимоий хизматлар марказлари (кейинги ўринларда — «Инсон» марказлари) ходимлари томонидан Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти ногиронликни баҳолаш шкаласининг маҳаллий хусусиятлар ва шарт-шароитларга мослаҳтирилган мезонлари асосида 18 ёш ва ундан катта шахсларнинг функционаллигини баҳолаш тартиби жорий этилади. Бунда баҳолаш натижалари 2025 йил 1 сентябрга қадар ногиронликни белгилаш учун асос хисобланмайди;

шахс соғлиғининг ҳолатига кўра «Инсон» марказларига бориш имконига

\* Ушбу қарор «Конунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2024 йил 17 июляда эълон қилинган.

эга бўлмаганда соғлигининг ҳолати ва функционалликни баҳолаш шахснинг уйида ёки даволанишда бўлган стационарда ўтказилади;

б) 2024 йил 1 октябрдан бошлаб ихтинослаштирилган (психиатрия, фтизиатрия ва пульмонология, педиатрия) ТИЭКлар томонидан ногиронликни белгилаш тартиби бекор қилиниб, ногиронлик туманлараро ва туман (шаҳар) ТИЭКлар томонидан белгиланади;

в) 2025 йил 1 апрелдан бошлаб:

фуқароларни ТИЭК кўригига йўллаш учун лозим бўлган амалдаги даволаниш муддатлари бўйича талаб бекор қилинади ҳамда ҳар бир касалликнинг кечиши ва туридан келиб чиқиб алоҳида белгиланади;

ТИЭК томонидан касбга, спортга ва таълимга тавсия бериш тартиби бекор қилинади ва ТИЭКнинг вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик варақасининг муддатини узайтириш ҳамда маҳсус жихозланган транспорт воситасини бошқариш лаёқатини белгилашга оид функциялари давлат тиббиёт муассасаларига ўтказилиши орқали тугатилади;

18 ёшдан катта шахсларга ногиронликни белгилашда шахснинг клиник-функционал бузилишларининг тавсифидан келиб чиқиб ногиронликнинг муддати, сабаби, тиббий реабилитация тадбирлари, шунингдек, протез-ортопедия мосламалари ва реабилитация қилишнинг техник воситаларига муҳтожлигига оид маълумотлар «Ягона миллый ижтимоий ҳимоя» ахборот тизимида шакллантирилади;

г) 2025 йил 1 сентябрдан бошлаб туманлараро ва туман (шаҳар) ТИЭКлар томонидан факат тиббий ҳужжатларга асосан ногиронликни белгилаш тартиби бекор қилиниб, ногиронликни шахс соғлигининг ҳолати ва функционалликни баҳолаш натижаларидан келиб чиқиб электрон тарзда белгилаш тартиби йўлга қўйилади. Бунда:

шахс соғлигининг ҳолати ва функционалликни баҳолаш натижалари ўртасида тафовут бўлган тақдирда ногиронликни белгилаш ёки рад этиш Корақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ТИЭКлари томонидан амалга оширилади;

фуқароларга биринчи маротаба ногиронлик белгилангандан сўнг «Инсон» марказлари томонидан уларни таълим ва касбга йўналтириш, бандлигини таъминлаш, спортга жалб этиш ҳамда психологик қўллаб-куватлаш бўйича индивидуал тартиbdаги ижтимоий хизматлар ва ёрдамлар кўрсатиш режалари ишлаб чиқилади ва ижроси мониторинг қилиб борилади.

3. Соғлиқни сақлаш вазирлиги марказий аппаратида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги (кейинги ўринларда — Агентлик) тизимидағи ташкилотларнинг штат бирликлари ҳисобидан:

а) ногиронлиги бўлган шахсларга тиббий хизматлар кўрсатилиши жараёнини мувофиқлаштириш бўйича вазир маслаҳатчиси лавозими жорий этилсин. Бунда вазир маслаҳатчини лавозимга тайинлаш ва лавозимидан озод қилиш Агентлик директори билан келишилган ҳолда амалга оширилади;

б) асосий вазифалари қўйидагилардан иборат бўлган З та штат бирлиги-дан иборат шўъба ташкил этилсин:

ногиронликнинг олдини олиш тадбирлари амалга оширилишини мувофиқлаштириш;

ногиронликни белгилаш мақсадида шахсларни тиббий-ижтимоий экспертизадан ўтказиш учун юбориш жараёнини мувофиқлаштириш;

ВМК ва оилавий шифокорлар малакаси оширилишини ташкил этиш ҳамда уларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш;

оилавий шифокорлар томонидан ТИЭК кўриги учун тиббий ҳужжатларни юбориш жараёнини рақамлаштириш ва тегишли ахборот тизимлари билан интеграция қилиш жараёнини мувофиқлаштириш;

ногиронлиги бўлган шахсларга тиббий хизматлар, жумладан тиббий реабилитация хизматларини кўрсатиш тизимини мувофиқлаштириш.

4. Соғлиқни сақлаш вазирлиги:

а) 2024 йил 15 августга қадар:

Навоий вилояти ва Тошкент шаҳрида фуқароларнинг тиббий ҳужжатлари ТИЭКга ўз вақтида ва электрон шаклда йўлланиши учун оилавий шифокорларни зарур ахборот-коммуникация технологиялари билан таъминласин ҳамда уларнинг малакасини ошириш мақсадида ишдан ажралмаган ҳолда қисқа муддатли ўқитиш чораларини кўрсинг;

Рақамили технологиялар вазирлиги билан биргаликда ТИЭК кўригидан ўтиш учун фуқароларнинг тиббий ҳужжатларини, шунингдек, меҳнатга лаёқатсизлик варагалари ҳақидаги маълумотларни электрон тарзда юбориши учун зарур ахборот тизимлари ҳамда «Ягона миллий ижтимоий ҳимоя» ахборот тизими ўртасида «Электрон ҳукумат» тизимининг Идоралараро интеграциялашув платформаси орқали ахборот алмашинувини йўлга қўйсин;

б) 2025 йил 1 марта қадар Агентлик билан биргаликда:

фуқароларни ТИЭК кўригига йўллашдан олдин касалликлар бўйича даволаниш лозим бўлган муддатлар хар бир касалликнинг кечиши ва туридан келиб чиқиб алоҳида белгиланишини таъминласин;

18 ёшдан катта шахсларга ногиронликни белгилашда инобатга олинадиган тиббий мезонларни қайта кўриб чиқиб, ногиронликнинг муддати, сабаби, тиббий реабилитация тадбирлари, шунингдек протез-ортопедия мосламалари ва реабилитация қилишнинг техник воситаларига мухтожлигига оид маълумотлар «Ягона миллий ижтимоий ҳимоя» ахборот тизимида шакллантириб борилишини таъминласин;

вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик варагасининг муддатини узайтириш, ногиронлиги бўлган шахсларнинг маҳсус жиҳозланган транспорт воситасини бошқариш лаёқатини белгилаш тартибини ишлаб чиқсин;

в) 2025 йил 1 апрелдан бошлаб:

ногиронликни белгилашнинг янги тартиби бўйича ТИЭК мутахассисларининг малакасини ошириш чораларини кўрсинг;

фуқароларнинг тиббий ҳужжатларини ТИЭКга ўз вақтида ва сифатли йўллаш натижаларидан келиб чиқиб оилавий шифокорларни рағбатлантириш ёки интизомий жавобгарликка тортиш тизимини йўлга қўйсин.

5. Агентлик, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда Иқтисодиёт ва молия ва-

зирлигининг тиббий-ижтимоий экспертиза фаолияти самарадорлигини янада оширишга қаратилган қўйидаги таклифларига розилик берилсин:

а) 2024 йил 1 октябрдан бошлаб:

Агентлик ҳузуридаги Ижтимоий ҳимоя давлат жамғармаси маблағлари хисобидан ТИЭК ходимларини улар фаолияти самарадорлигининг энг муҳим кўрсаткичлари (КРІ) бажарилишидан келиб чиқиб рафбатлантириш тизими ни йўлга қўйиш;

ихтисослаштирилган (психиатрия, фтизиатрия ва пульмонология, педиатрия) ТИЭКларнинг вазифалари ва штат бирликларини Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар, туманлараро ва туман (шаҳар) ТИЭКларга ўтказган ҳолда тугатиш;

тугатилаётган ихтисослаштирилган ТИЭКларнинг штат бирликлари ҳисобидан Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар, туманлараро ва туман (шаҳар) ТИЭКларга педиатр, психиатр, фтизиатр штатларини ажратиш;

б) 2025 йил 1 апрелдан бошлаб:

туман (шаҳар) ва туманлараро ТИЭКларни катталар учун врач-эксперт, педиатр врач-эксперт ҳамда реабилитологдан иборат таркибда шакллантириш;

Агентлик тизими ташкилотлари штат бирликлари доирасида Агентлик марказий аппаратида юридик шахс ташкил этмаган ҳолда ТИЭКлар фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича алоҳида таркибий бўлинма ташкил этиш.

6. 2025 йил 1 апрелга қадар қўйидаги вазирлик ва идоралар ногиронлиги бўлган шахсларнинг ногиронлик тоифаси ва ёшидан келиб чиқиб уларни касбга, таълимга ва спортга йўналтириш тартибини ишлаб чиқиш учун масъул этиб белгилансин:

Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги — тарбия ва таълимга йўналтириш бўйича;

Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги — касбга тайёрлаш ва йўналтириш бўйича;

Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги — бандликни таъминлаш бўйича;

Спорт вазирлиги, Ўзбекистон Миллий паралимпия қўмитаси ва Соғликни сақлаш вазирлиги — оммавий спорт ва параспортга йўналтириш бўйича.

7. Ногиронлиги бўлган шахслар ишлари бўйича идоралараро кенгаш (М. Оллоёров) мазкур қарорда белгиланган вазифалар юзасидан масъул вазирлик ва идораларнинг хисботларини эшишиб, амалга оширилаётган ишлар юзасидан Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига таклифлар киритиб борсин.

8. Ногиронликни белгилаш тизимини такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар режаси 1-иловага\* мувофиқ тасдиқлансин.

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айrim қарорларига 2-иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсан.

Белгилансинки, мазкур қарорга 2-илованинг 1-банди, 3-бандининг «б» кичик банди 2024 йил 1 октябрдан бошлаб кучга киради.

\* 1-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

10. Агентлик манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда:  
бир ой муддатда шахс функционаллигини аниқлаш тартибини белгилаш-  
га қаратилган Ҳукумат қарори лойиҳасини;

икки ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқа-  
диган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисидаги таклифларни;

2025 йил 1 сентябрга қадар бола соғлигининг ҳолати ва функционалли-  
гини аниқлаш натижаларидан келиб чиқиб ногиронликни белгилаш тартиби-  
ни жорий этишга оид таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

11. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва  
шахсий жавобгар этиб Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳат-  
чиси — Агентлик директори М.П. Оллоёров белгилансин.

Қарор ижросини муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул ташкилот-  
лар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республи-  
каси Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2024 йил 16 июль,  
ПҚ-257-сон

Ўзбекистон Республикаси  
Президентининг 2024 йил 16 июлдаги  
ПҚ-257-сон қарорига  
2-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорлари-  
га киритилаётган ўзгартиришлар**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 27 ноябрдаги  
«Тиббий-ижтимоий экспертиза хизмати фаолияти ҳамда болаларга ногирон-  
ликни белгилаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғри-  
сида»ги ПҚ-22-сон қарорида:

- а) 4 ва 5-бандлар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;
- б) 6-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«6. Қашқадарё, Сирдарё, Хоразм ва Наманган вилоятларида қўшимча ра-  
вишда биттадан туманлараро тиббий-ижтимоий эксперт комиссиялари таш-  
кил этилсин»;

- в) 7-банд ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;
- г) 12-банддан «янги ташкил этилаётган педиатрия ва» сўzlари чиқариб  
ташлансин;
- д) илованинг 14-позицияси чиқариб ташлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 29 апрелдаги  
«Ижтимоий ҳимояга ва ёрдамга муҳтоҷ аҳоли қатламларини моддий қўл-

лаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-230-сон қарорининг 2-бандида:

тўртинчи хатбоши чиқариб ташлансин;  
бешинчи хатбоши тўртинчи хатбоши деб ҳисоблансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 27 февралдаги «Ногиронлиги бўлган шахсларни қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-74-сон қарорида:

- а) 2-банднинг иккинчи хатбошиси чиқариб ташлансин;
- б) 7-банддан «педиатрия» сўзи чиқариб ташлансин.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 28 сентябрдаги «Аҳолига ижтимоий хизматлар ва ёрдамлар кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-319-сон қарори 2-иловаси 14-позицияси «Амалга ошириш механизми» устунидаги «ногиронликни баҳолаш ва аниқлашнинг тиббий моделидан ижтимоий моделига» сўзлари «шахснинг функционаллигини баҳолаш натижаларидан келиб чиқиб ногиронлик белгилаш тизимиға» сўзлари билан алмаштирилсин.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ҚАРОРИ**

**244 Ногиронлиги бўлган шахсларга қулай ва тўсиқларсиз муҳит яратиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида\***

Ногиронлиги бўлган шахсларнинг хавфсиз ва тўсиқларсиз ҳаракатланиши учун қулай муҳит яратиш ва мазкур соҳага янгича ёндашувларни жорий этиш мақсадида:

1. Белгилансинки:

а) 2024 йил 1 октябрдан бошлаб:

консолидациялашган бюджет маблағлари, давлат иштирокидаги корхоналар маблағлари ва бошқа марказлаштирилган манбалар ҳисобидан, 2025 йил 1 январдан бошлаб тадбиркорлик субъектлари ҳамда нодавлат нотижорат ташкилотлар маблағлари ҳисобидан қуриладиган, реконструкция қилинадиган ва таъмиранадиган шаҳарсозлик фаолияти обьектларининг шаҳарсозлик хужжатлари лойиҳаларининг техник қисми ногиронлиги бўлган шахсларга шароитлар яратиш бўйича шаҳарсозлик норма ва қоидаларида белгиланган талабларга мувофиқлиги юзасидан мажбурий экспертизадан ўтказилади;

хар йили «Хавфсиз йўл ва хавфсиз пиёда» республика жамғармаси маблағларининг камида 10 фоизи чорраҳаларда ногиронлиги бўлган шахслар (пиёдалар) учун хавфсиз ва тўсиқсиз муҳит яратиш бўйича қурилиш-таъмирлаш ва жихозлаш ишларига йўналтирилади.

Бунда тўсиқсиз муҳит яратиш бўйича қурилиш-таъмирлаш ва жихозлаш ишлари ҳар йили 1 ноябрга қадар Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги хузуридаги Ижтимоий инспекция (кейинги ўринларда — Ижтимоий инспекция) билан келишилган ҳолда тасдиқланадиган чорраҳаларни ногиронлиги бўлган шахслар эҳтиёжларига мослаштириш дастури асосида амалга оширилади;

б) 2025 йил 1 январдан бошлаб 1-иловага\*\* мувофиқ фаолият турлари бўйича лицензия беришда обьектда шаҳарсозлик норма ва қоидаларида белгиланган талабларга мувофиқ ногиронлиги бўлган шахсларга тўсиқларсиз муҳит яратилганлиги бўйича Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш инспекцияси (кейинги ўринларда — Қурилиш инспекцияси)нинг хулосасини олиш талаб қилинади.

2. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари:

хар йили 1 ноябрга қадар кейинги йил учун ўзининг ҳудудидаги камида биттадан кўчани ногиронлиги бўлган шахслар эҳтиёжларига мослаштириш лойиҳасини ишлаб чиқсин ҳамда унинг қурилиш-таъмирлаш ва жихозлаш ишларини амалга оширсин;

2024 йил 1 декабрга қадар ногиронлиги бўлган шахсларнинг қулай ва тўсиқларсиз ҳаракатланишлари учун шаҳарсозлик норма ва қоидалари та-

\* Ушбу қарор «Конунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2024 йил 19 июлда эълон қилинган.

\*\* 1-илова «Конунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

лаблари асосида 2-иловада\* келтирилган рўйхатга мувофиқ кўчаларни мослаштирун.

3. Иккисодиёт ва молия вазирлиги Транспорт вазирлиги, Ижтимоий химоя миллий агентлиги ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда метро ва автобус бекатлари, чорраҳаларни ногиронлиги бўлган шахслар эҳтиёжларига мослаштириш учун тегишли маблағлар ажратиш бўйича таклифларни келгуси йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастурларига киритиб борсин.

4. Ижтимоий инспекция Рақамли технологиялар вазирлиги, Кадастр агентлиги, Курилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари билан биргаликда 2026 йил 1 январга қадар ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳаракатланиши учун республиканинг барча ҳудудларини қамраб оловчи тўсиқларсиз муҳит яратилган обьектларни аниқлаш имконини берувчи «Интерактив харита» ахборот тизимини ишга туширун.

#### 5. Белгилансинки:

а) 2024 йил 1 октябрдан бошлаб Тошкент шаҳри ва ҳалқаро автобусда йўловчи ташиш йўналишларини, 2025 йил 1 январдан бошлаб Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлараро, шаҳар атрофи, туманлараро (шаҳарлараро) автобусда йўловчи ташиш йўналишларини жойлаштириш учун тендерларда ногиронлиги бўлган шахслар учун тўсиқсиз муҳитни таъминловчи ускуналар билан жиҳозланган автобусларга эга бўлган ташаббускорлар иштирок этади;

б) мазкур банднинг «а» кичик бандида белгиланган талаб кучга киргунига қадар тендерда ғолиб бўлган Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлараро, шаҳар атрофи, туманлараро (шаҳарлараро) автобусда йўловчи ташиш йўналишларида хизмат кўрсатаётган тадбиркорлик субъектларининг:

автобусларни ногиронлиги бўлган шахслар эҳтиёжларига мослаштириш харажатларининг 50 фоизи, бироқ базавий ҳисоблаш миқдорининг 30 бараваригача бўлган қисми 2024 йил 1 ноябрдан бошлаб Ижтимоий химоя давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан қоплаб берилади;

автобусларни ногиронлиги бўлган шахслар эҳтиёжларига мослаштириш учун ажратилган кредитлар бўйича фоиз харажатларини «Тадбиркорликни ривожлантириш компанияси» акциядорлик жамияти томонидан қоплаш шаклида тақдим этиладиган молиявий қўллаб-қувватлаш инструментлари тадбиркорлик субъектларининг барқарорлик рейтингидаги тоифасидан қатъи назар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тўлиқ миқдорларда тақдим этилади;

в) мазкур банднинг «а» кичик бандида белгиланган талаб кучга кирганидан сўнг Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Транспорт назорати инспекцияси йўловчи ташиш йўналишларидаги автобус ҳайдовчилари томонидан ногиронлиги бўлган шахслар учун мўлжалланган жиҳозлар ва имтиёзлардан доимий фойдаланилиши таъминланишини назорат қиласи.

#### 6. 2024 йил 1 августдан бошлаб:

\* 2-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар ва туман (шахар) ҳокимларининг қурилиш, коммуникациялар, коммунал хўжалик, экология ва кўқаламзорлаштириш масалалари бўйича ўринбосари лавозими — қурилиш, тўсиқларсиз мухит яратиш, коммуникациялар, коммунал хўжалик, экология ва кўқаламзорлаштириш масалалари бўйича ўринбосари лавозимига;

Тошкент шаҳри ва унинг туманлари ҳокимларининг қурилиш, коммуникацияларни ривожлантириш, экология ва кўқаламзорлаштириш масалалари бўйича биринчи ўринбосари лавозими — ҳокимнинг қурилиш, тўсиқларсиз мухит яратиш, коммуникацияларни ривожлантириш, экология ва кўқаламзорлаштириш масалалари бўйича биринчи ўринбосари лавозимига ўзгартирилсин.

7. 2024 йил 1 сентябрга қадар вазирлик ва идоралар, уларнинг худудий бўйинмалари ҳамда тизим ташкилотларида бир нафар раҳбар ўринбосари ногиронлиги бўлган шахслар учун қулай ва тўсиқларсиз мухит яратилиши бўйича масъул этиб белгилансин ҳамда унинг зиммасига қўйидаги вазифалар юклансин:

ногиронлиги бўлган ходимлар қулай ва тўсиқларсиз ҳаракатланишли-  
ри ҳамда меҳнат қилишлари учун қонунчилик ҳужжатларида белгиланган  
меҳнат шароитларини яратиб бериш;

биноларга кириш ва чиқища ногиронлиги бўлган шахслар қулай ва тў-  
сиқларсиз ҳаракатланиши учун шароитлар яратилишини ташкил этиш;

ногиронлиги бўлган фуқароларни қабул қилишда уларга қулайликлар  
яратиш учун зарур мутахассис ва жиҳозлар билан таъминлаш;

объектларда қурилиш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш ишлари  
амалга оширилганда ногиронлиги бўлган шахсларга шароитлар яратиш бўйи-  
ча шаҳарсозлик норма ва қоидаларига риоя қилинишини таъминлаш.

8. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ 2025 йил 1 январдан бошлаб:

вазирлик ва идоралар, уларнинг тизим ташкилотлари ҳамда давлат улу-  
ши 50 фоиздан юқори бўлган хўжалик юритувчи субъектлар фуқаролар қа-  
були ва сайёр қабулларни ўтказишда мажбурий тарзда сурдотаржимон ишти-  
роқини таъминлайди;

вазирлик ва идоралар, уларнинг тизим ташкилотлари ҳамда давлат ишти-  
роқидаги корхоналарнинг фуқаролар мурожаатлари билан ишлаш бўйича бир  
нафар ходими сурдотаржимонлик курсларида ўқитилади.

9. Ногиронлиги бўлган шахсларнинг транспортда ҳаракатланиши учун  
қулай шароит яратиш мақсадида 2024 йил 1 октябрдан бошлаб:

шаҳар йўловчи транспортида I гурух ногиронлиги бўлган шахс ва уларга  
ҳамроҳлик қилувчи бир нафар шахсга бепул хизмат кўрсатилади;

I гурух ногиронлиги бўлган шахсларнинг шахсий автотранспорт восита-  
ларини мослаштириш харажатларининг 50 фоизи (базавий ҳисоблаш миқдо-  
рининг 30 бараваригача бўлган миқдорда) Ижтимоий ҳимоя миллий агентли-  
ги хузуридаги Ижтимоий ҳимоя давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан  
қоплаб берилади.

10. Ижтимоий инспекция ногиронлиги бўлган шахсларга қулай мухит ва тўсиқларсиз ҳаракат қилиш имкониятлари яратилганлигини назорат қиливчи ваколатли орган этиб белгилансин ва унга қўйидаги ҳолатлар устидан давлат назоратини амалга ошириш юклансин:

ногиронлиги бўлган шахсларга давлат томонидан берилган имтиёзлардан монеликсиз фойдаланилаётганлиги;

ногиронлиги бўлган шахслар қулай ҳаракатланиши учун бино ва иншоотларда, маданий обьектларда, чорраҳалар, пиёдалар учун тротуарлар, ер усти ёки ер ости пиёдалар ўтиш жойларида зарур шароитлар яратилганлиги;

жамоат транспорти воситалари ва фуқаро авиацияси ногиронлиги бўлган шахслар учун мўлжалланган жиҳозлар билан таъминланганлиги ва фойдаланилаётганлиги;

ногиронлиги бўлган шахслар учун қулай ва тўсиқларсиз мухит яратилиши бўйича масъулларга юклатилган вазифаларнинг ўз вақтида бажарилаётганлиги;

Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастурлари доирасида молиялаштириладиган ҳамда ташабbusли бюджетлаштириш жараёнлари доирасида ғолиб бўлган таклифлар бўйича қуриш, реконструкция қилиш, мукаммал ва жорий таъмирлашга тушган бино ва иншоотлар, йўл ва йўл инфратузилмаси обьектларида ногиронлиги бўлган шахслар учун қулай ва тўсиқларсиз мухит яратилганлиги.

11. Ижтимоий инспекцияга ўз вазифа ва функцияларини амалга ошириш доирасида қўйидаги ҳуқуқлар берилсин:

а) 2024 йил 1 октябрдан бошлаб:

ўрганиш ўтказиш давомида барча назорат обьектларига монеликсиз кириш;

корхона, муассаса ва ташкилотлар, жамоат транспорт воситаларида ногиронлиги бўлган шахсларга қонунчилик ҳужжатларида белгилangan шароитларнинг яратилганлиги юзасидан ўрганиш ўтказиш;

қонунчилик ҳужжатлари бузилишига йўл қўймаслик ҳақида мансабдор шахсларга ёзма равища огоҳлантириш киритиш;

вазирлик ва идораларга ўз ваколатлари доирасида бажарилиши мажбурий бўлган тақдимномалар киритиш;

б) 2025 йил 1 январдан бошлаб:

ногиронлиги бўлган шахсларнинг бино-иншоотлар, транспорт ва ахборот-коммуникация воситаларидан тўсиқсиз фойдаланишлари учун қонунчилик ҳужжатларида белгилangan қулайликларни яратиш мажбурияти бажарилмаганлиги ҳолатлари юзасидан маъмурӣ жазо чораларини қўллаш;

қуриладиган, реконструкция қилинадиган ва таъмирланадиган шаҳарсозлик фаолияти обьектларининг шаҳарсозлик ҳужжатлари лойиҳаларининг техник қисмини ногиронлиги бўлган шахсларга шароитлар яратиш бўйича шаҳарсозлик норма ва қоидаларида белгилangan талабларга мувофиқлиги юзасидан мажбурий экспертизадан ўтказмаган ташкилотларнинг лицензия ёки руҳсат бериш хусусиятига эга ҳужжатларини бекор қилиш бўйича ваколатли органга тақдимнома киритиш.

12. Белгилансинки, 2025 йил 1 январдан бошлаб:

Ижтимоий инспекцияга бино ва иншоотлар (йўл ва йўл инфратузилмаси обьектлари) ҳамда жамоат транспорти воситалари, аэропортлар ва темир йўл вокзалларида ногиронлиги бўлган шахсларга хавфсиз, қулай ва тўсиқсиз муҳит яратиш ва иш жойларига қўйиладиган қонунчилик талабларига риоя этилиши юзасидан назорат тадбирларини улар бошлангандан сўнг 24 соат ичida Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуклари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакилни хабардор қилиш орқали амалга оширишга рухсат берилади;

Ижтимоий инспекция томонидан ўтказилган ўрганиш ва текширишлар якуни бўйича обьектлар (тураржой обьектлари бундан мустасно) уларда ногиронлиги бўлган шахсларнинг тўсиқларсиз ҳаракатланиши имконияти мавжудлигини англатувчи маҳсус белгилар билан жиҳозланади.

Бунда обьектларни ушбу маҳсус белгилар билан жиҳозлаш Ижтимоий инспекция ва унинг ҳудудий бошқармалари томонидан амалга оширилади.

13. Ногиронлиги бўлган шахслар ишлари бўйича идоралараро кенгашга (кейинги ўринларда — Кенгаш) ногиронлиги бўлган шахсларнинг қулай ва тўсиқларсиз ҳаракатланиши учун шароитлар яратиш бўйича қўйидаги вазифалар юқлатилсин:

ногиронлиги бўлган шахсларнинг қулай ва тўсиқларсиз ҳаракатланишини таъминлаш бўйича амалга оширилаётган ишларни мувофиқлаштириб бориш;

ногиронлиги бўлган шахсларнинг қулай ва тўсиқларсиз ҳаракатланишига имкон берувчи давлат дастурларига киритиш учун таклифлар ишлаб чиқиш ҳамда уларни амалга оширишда иштирок этиш;

ногиронлиги бўлган шахсларнинг ахборот-коммуникация хизматлари ва давлат хизматлари, электрон ва шошилинч хизматлардан эркин фойдаланишларини таъминлаш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва уларнинг амалга оширилишини назорат қилиш;

Кенгаш аъзолари томонидан мазкур қарорнинг ижро этилиши ҳолати юзасидан ташкилотларга юқлатилган вазифалар доирасида ҳар олти ойда камида бир маротаба Кенгашга ҳисобот бериш ва амалга оширилган ишларни муҳокама қилиш.

14. Кенгаш аъзолари ҳар йили ўзларининг вазирлик ва идораларига тегишли бўлган 2 тадан бино-иншоотларда ногиронлиги бўлган шахсларнинг қулай ва тўсиқларсиз ҳаракатланиши учун шароитлар яратилишини таъминласин ва амалга оширилган ишлар юзасидан ҳар йили 1 декабрга қадар Кенгашга ахборот берсинг.

Кенгаш ногиронлиги бўлган шахсларнинг қулай ва тўсиқларсиз ҳаракатланиши учун вазирлик ва идоралар томонидан амалга оширилган ишлар натижалари бўйича ахборотни ҳар йили 20 декабрга қадар Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига киритсан.

15. Маданият вазирлиги вазирлик ва идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгashi, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимларни билан биргаликда маданий-оммавий ва кўнгилочар-томуша дастурлари (му-

сикий фестиваллар, концерт, театр, спорт тадбирлари, халқ сайиллари, миллий намойишлар ва бошқалар), шунингдек, умумхалқ байрамларида ногиронлиги бўлган шахслар иштирокини таъминлаш чораларини кўрсин.

16. Қўйидагилар:

Ногиронлиги бўлган шахсларга қулай ва тўсиқларсиз мухит яратиш бўйича чора-тадбирлар дастури З-иловага\* мувофиқ;

2024 йил 1 сентябрга қадар Ижтимоий инспекциянинг ахборот тизимиға уланиш ва фойдаланиш имконияти яратиладиган вазирлик ва идораларнинг ахборот тизимлари рўйхати 4-иловага мувофиқ тасдиқлансан.

17. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига 5-иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсан.

18. Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги тўрт ой муддатда:

Ўзбекистон Республикасининг «Лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомиллари тўғрисида»ги Қонунига мазкур қарорга 1-илова да белгиланган фаолият турларини лицензиялашда обьектда шахарсозлик норма ва қоидаларида белгиланган талабларга мувофиқ ногиронлиги бўлган шахслар учун тўсиқларсиз мухит яратилганлиги бўйича Қурилиш инспекциясининг хulosаси олиниши бўйича ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш бўйича қонун лойиҳасини;

Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига Ижтимоий инспекция томонидан ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисидаги қонунчиликни бузганлик учун маъмурий жазо чораларини қўллашга доир ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш бўйича қонун лойиҳасини;

тадбиркорлик субъектларининг ногиронлиги бўлган шахслар учун транспорт воситаларини қулай тарзда жиҳозлаш харажатларини Ижтимоий ҳимоя давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан қоплаб бериш тартибини Вазирлар Махкамасига киритсан.

19. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси — Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги директори М.П. Оллоёров, вазирлик ва идоралар раҳбарлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгashi Раиси, вилоятлар ва Тошкент шахри ҳокимлари белгилансин.

Қарор ижросини муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси**  
**Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2024 йил 18 июль,  
ПҚ-266-сон

\* З-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси  
Президентининг 2024 йил 18 июлдаги  
ПҚ-266-сон қарорига  
4-ИЛОВА

**Ижтимоий инспекциянинг ахборот тизимига уланиш ва  
фойдаланиш имконияти яратиладиган вазирлик ва  
идораларнинг ахборот тизимлари  
РЎЙХАТИ**

1. Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги — «Шаффоф қурилиш» миллий ахборот тизими.
2. Транспорт вазирлиги — «Шаффоф йўл» ахборот тизими, йўловчи ташиб ўйналишларини очиқ тендерлар орқали ташувчиларга бириктириш бўйича электрон ахборот тизими.
3. Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги — «Ягона миллий меҳнат тизими» идораларро дастурий-аппарат комплекси.
4. Ички ишлар вазирлиги — «E-ma’muriy ish» ахборот тизими.
5. Солиқ қўмитаси — «Солиқ» ахборот тизимлари комплекси.
6. Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги — «emaktab» платформаси.
7. Бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси — «Пенсия» ахборот тизими.
8. Кадастр агентлиги — кўчмас мулк обьектлари ва уларга бўлган хуқуqlар тўғрисида, шунингдек, хуқуқ эгалари хақидаги маълумотлардан иборат ягона ахборот маълумотлар базаси.
9. Адлия вазирлиги — «ФХДЁнинг ягона электрон архиви» ахборот тизими.
10. Тошкент шаҳри ҳокимлиги — «Xalq nazorati» (xalqnazorati.uz) платформаси.

Ўзбекистон Республикаси  
Президентининг 2024 йил 18 июлдаги  
ПҚ-266-сон қарорига  
5-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ўзбекистон  
Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига киритилаётган  
ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 4 апрелдаги «Автомобиль йўлларида инсон хавфсизлигини ишончли таъминлаш ва ўлим ҳолатларини кескин камайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-190-сон қарорининг 7-банди қўйидаги мазмундаги ўн еттинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«имконияти чекланган ва ногиронлиги бўлган шахсларнинг хавфсиз ва тўсиқсиз ҳаракатланиши учун чорраҳаларни овозли ақлли светофорлар, тактил қопламалар, пиёдалар ўтиш йўлагидаги тасмалар, резина пандуслар, кўча модуль тўсиқлари, маҳсус йўл белгилар билан жиҳозлашни молиялаштириш».

2. Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 21 декабрдаги 276-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси давлат муассасалари тиббиёт ва фармацевтика ходимларининг меҳнатига ҳақ тўлаш тартиби ва шартлари тўғрисидаги низомга З-илованинг 1-банди тўққизинчи хатбошиси «штат лавозимларидағи» сўзларидан кейин «шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги ва унинг тизим ташкилотларидаги» сўзлари билан тўлдирилсин.

3. Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 7 майдаги 341-сон қарори билан тасдиқланган Давлат органларида, давлат муассасаларида ва давлат иштирокидаги ташкилотларда жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тартиби тўғрисида намунавий низомда:

а) 56-банд қўйидаги мазмундаги тўртинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«Давлат органлари ва ташкилотларида фуқаролар қабули ва сайёр қабулларни ўтказишда мажбурий тарзда сурдотаржимон иштироқи таъминланади»;

б) 57-банд қўйидаги мазмундаги иккинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«Фуқароларни қабул қилиш учун ажратилган хоналар барча шахслар, шу жумладан ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳаракатланиши учун қулай тарзда жиҳозланади, шунингдек, бинога кириш ва чиқиш ҳамда санитария-гигиена шохобчаларидан эркин фойдаланиш учун тўсиқсиз муҳит яратилади»;

иккинчи хатбоши учинчи хатбоши деб ҳисоблансин.

4. Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 17 сентябрдаги «Шаҳарсозлик ҳужжатларини экспертизадан ўтказиш тартиботларини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 579-сон қарорида:

а) 1-илованинг 1, 4, 5 ва 13-бандлари «зилзилабардошлиқ» сўзидан кейин

«ногиронлиги бўлган шахсларга тўсиқсиз муҳит яратилганлиги,» сўзлари билан тўлдирилсин;

б) 6-илованинг 5-позицияси қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

	«		
5.	Объектлар лойиҳаларининг зилзилабардошлиқ, ногиронлиги бўлган шахсларга тўсиқсиз муҳит яратилганлиги ва ёнгин хавфсизлиги бўйича берилган экспертиза хуносалари***	иш ҳажми ( $m^2$ ) дан БҲМ 2 %	иш ҳажми ( $m^3$ ) дан БҲМ 1,5 %
		иш ҳажми (пм) дан БҲМ 1 %	

».

5. Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 21 февралдаги 80-сон қарори билан тасдиқланган Maxsus электрон тизим орқали айrim фаолият турларини лицензиялаш тартиби тўғрисидаги ягона низомга 2-иловада:

а) 9-позициянинг учинчи устуни I бўлимининг «а» кичик банди «шахарсозлик норма ва қоидаларида белгиланган талабларга мувофиқ ногиронлиги бўлган шахслар учун тўсиқларсиз муҳит яратилганлиги» сўзлари билан тўлдирилсин;

б) 10-позициянинг учинчи устуни қўйидаги мазмундаги «г» кичик банд билан тўлдирилсин:

«г) Курилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш инспекцияси томонидан объектда шаҳарсозлик норма ва қоидаларида белгиланган талабларга мувофиқ ногиронлиги бўлган шахслар учун тўсиқларсиз муҳит яратилганлиги тўғрисидаги хуоса (5 иш куни ичida)».

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ҚАРОРИ**

**245 Аҳолини давлат томонидан ижтимоий қўллаб-қувватлаш тартибини тубдан такомиллаштириш тўғрисида\***

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 1 июндаги «Аҳолига сифатли ижтимоий хизмат ва ёрдам кўрсатиш ҳамда унинг самарали назорат тизимини йўлга қўйиш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ–82-сон Фармонига мувофиқ ҳамда аҳоли томонидан давлат ижтимоий қўллаб-қувватлаши кафолатланган тарзда олиниши, унинг манзиллилиги ва самарадорлигини таъминлаш мақсадида:

1. Аҳолини давлат томонидан ижтимоий қўллаб-қувватлашга оид барча чораларни рақамли технологиялар асосида тақдим этишга ўтишнинг асосий ўйналишлари этиб қўйидагилар белгилансин:

«Ижтимоий карта» ахборот тизимини (кейинги ўринларда — «Ижтимоий карта» АТ) жорий этиш орқали ижтимоий тўловлар ва субсидиялар, ижтимоий хизматлар ва ёрдамларни тайинлаш, тақдим этиш, мониторинг қилиш ва баҳолаш жараёнларини, шунингдек, аҳолини давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг ижтимоий хусусиятга эга бошқа барча чораларини босқичма-босқич тўлиқ автоматлаштириш;

ижтимоий ёрдамга муҳтож тоифадаги фуқароларнинг эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда уларнинг ижтимоий хизматлардан, ёрдам ва тўловлардан, шунингдек давлат томонидан ижтимоий қўллаб-қувватлашнинг бошқа чораларидан фойдаланиш учун ҳужжатларни йиғиш заруратини бекор қилиш;

давлат томонидан ижтимоий қўллаб-қувватлаш чораларини манзилли, қисқа муддатларда, масофадан туриб ҳамда проактив тарзда олиш имкониятини бериш;

ижтимоий суғурталашни жорий қилиш доирасида рақамли сервисларни ривожлантириш орқали давлат ва тадбиркорлик субъектлари ўртасида ҳамкорлик қилишни соддалаштириш;

республика, вилоят, туман (шаҳар) ва маҳалла даражасида давлат ижтимоий қўллаб-қувватлашини амалга оширувчи давлат органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш.

2. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ қўйидаги қўллаб-қувватлаш чоралари «Ижтимоий карта» АТдан фойдаланган ҳолда ижтимоий карта орқали тақдим этилади:

а) 2024 йил 1 декабрдан бошлаб янгидан тайинланадиган ижтимоий тўловлар, хизматлар ва имтиёзлар, шу жумладан протез-ортопедия мосламалари ва реабилитация қилишнинг техник воситаларини 1 ва 2-иловаларга\*\* мувофиқ Вазирлар Махкамаси томонидан белгиланган ваучерлар қийматида харид қилиш;

б) 2025 йил 1 апрелдан бошлаб босқичма-босқич:

\* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2024 йил 23 июляда эълон қилинган.

\*\* 1-2-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

шахснинг ногиронлигини, талаба, ўқувчи, уруш қатнашчиси ёки уруш қатнашчисига tenglashтирилган шахс ҳолатини тасдиқлаш. Бунда ногиронлик тўғрисидаги маълумотнома ва гувоҳномалар, талабалик гувоҳномалари, ўқувчилар гувоҳномалари, уруш қатнашчилари ёки уларга tenglashтирилган шахслар гувоҳномаларининг қофоз шакли ижтимоий картага алмаштириш орқали бекор қилинади;

ногиронлиги бўлган ва имконияти чекланган шахслар учун умумий фойдаланишдаги автомобиль, темир йўл, ҳаво ва дарё транспорти, йўналишсиз такси хизматларидан фойдаланиш бўйича имтиёзлар, шунингдек ушбу хизматдан имтиёзли фойдаланиш хуқуқига эга бўлган аҳолининг бошқа тоифалари учун имтиёзлар;

кириш билет операциялари тизими асосида тартибга солинадиган давлат ижтимоий обьектларига, концерт-томуша тадбирлари ва бошқа тадбирларга бепул ташриф буюриш ёки қисман ҳақ тўлаш бўйича имтиёзлар;

в) 2025 йил 1 июлдан бошлаб — «Ижтимоий ҳимоя ягона реестри»га киритилган жисмоний шахсларга қонунчилик ҳужжатларида белгиланган товарлар (хизматлар)ни белгиланган миқдор доирасида харид қилишда тўланган қўшилган қиймат солиғи суммасини бир иш кунида қайтариш.

Бунда ушбу харидни солиқ органларининг маҳсус мобиль иловасида харид чекининг фискал белгисини матрицали штрих код (QR-код) ёрдамида сканерлаш талаб этилмайди;

г) 2025 йил 1 октябрдан бошлаб — Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган рўйхатга мувофиқ барча давлат органлари ва ташкилотлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамда вазирлик ва идоралар тизимида бюджет маблағлари ҳисобидан фаолият юритувчи бошқа тузилмалар томонидан фуқароларга бюджет маблағлари ҳисобидан кўрсатиладиган ижтимоий хизматлар ва ёрдам, субсидиялар, грантлар, имтиёзлар ва ижтимоий кафолатлар ҳамда моддий хусусиятга эга бошқа тўловлар тақдим этиш;

д) 2026 йил 1 январдан бошлаб — қонунчилик ҳужжатларида белгиланган бошқа имтиёзлар ва ижтимоий кафолатлардан фойдаланиш.

3. 2025 йил 1 октябрдан бошлаб пенсия олувчиларга ўз хоҳишига кўра ёшга доир, ногиронлик ва боқувчисини йўқотганлиги бўйича пенсияларни ижтимоий карта орқали олиш хуқуки берилсин.

#### 4. Белгилансинки:

ижтимоий карта Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги (кейинги ўринларда — Агентлик) томонидан Ўзбекистон Республикаси фуқароларига, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида доимий яшовчи чет эл фуқароларига ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга (кейинги ўринларда — фуқаролар) Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда берилади ҳамда фуқароларнинг давлат томонидан ижтимоий қўллаб-куватлаш чораларига бўлган хуқуqlари амалга оширилиши таъминланадиган ҳужжатлардан бири ҳисобланади ва ноёб, ўзгартириб бўлмайдиган шахсий рақамни ўз ичига олади;

ижтимоий карта бўйича алоҳида операцияларни амалга оширишни тақиқлаш ва чеклаш тартиби Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади; «Ижтимоий карта» АТ маълумотлар базаси Вазирлар Маҳкамаси томони-

дан белгиланган тартибда фуқаролар ва давлат органлари томонидан тақдим этилган маълумотлар, шу жумладан биометрик маълумотлар асосида Агентлик томонидан шакллантирилади ва юритилади.

**5. Вазирлар Маҳкамаси:**

а) бир хафта муддатда «Ижтимоий карта» АТни ишлаб чиқиш, синовдан ўтказиш, саноатда фойдаланишга жорий этиш ва такомиллаштириш (кейинги ўринларда — Лойиха) мақсадида қўшма корхона (кейинги ўринларда — Корхона) ташкил этиш учун хусусий инвесторни аниқлашни назарда тутувчи қарор қабул қилин, шунингдек Лойихани амалга ошириш учун зарур бўлган бошқа чора-тадбирларни кўрсинг;

б) Агентликнинг таклифлари асосида давлат ижтимоий қўллаб-қувватлаш чораларини ижтимоий карталарга ўтказадиган молиявий агентларни, шунингдек, Лойиханинг бошқа иштирокчиларини белгилаб борсин;

в) 2024 йил 1 октябрга қадар Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий картаси тўғрисидаги низомни тасдиқласин;

**г) 2025 йил 1 августга қадар:**

республикада яшовчи аҳолининг барча ижтимоий ҳимояга муҳтоҷ тоифаларига ижтимоий карталарни босқичма-босқич бериш жадвалини;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 21 декабрдаги ПФ-209-сон Фармони билан тасдиқланган «Маҳалла еттилиги»нинг колле-гиал қарорлари асосида кўрсатиладиган ижтимоий ёрдам ва ажратиладиган субсидиялар, шунингдек, «Ёшлилар дафтари», «Аёллар дафтари» ва «Саховат ва кўмак» жамғармалари ва бошқа қўллаб-қувватлаш жамғармалари ҳамда қонунчиликка мувофиқ бериладиган имтиёз ва ижтимоий кафолатларнинг ягона рўйхатини ва классификаторини тасдиқласин.

6. Белгилансинки, Агентликка нисбатан ўз вазифалари ва функцияларини бажариш учун жалб этиладиган грантлар, хорижий маслаҳатчилар ва экспертларга техник кўмак маблағлари ҳисобидан амалга оширишга мўлжалланган лойиха таклифларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш тартиби ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 29 майдаги «Таркибий ислоҳотларни амалга оширишда экспертлик кўмаги самарадорлигини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-198-сон қарори талаблари татбиқ этилмайди.

**7. Қўйидагилар:**

«Ижтимоий карта» ахборот тизими дастурий-аппарат комплексини жорий этиш бўйича чора-тадбирлар режаси 3-иловага\* мувофиқ;

«Ягона миллий ижтимоий ҳимоя» ахборот тизимини «Электрон ҳукумат» тизими идоралараро интеграциялашув платформаси билан интеграция қилиш орқали маълумот алмашладиган давлат маълумотлари тўпламлари рўйхати 4-иловага\* мувофиқ тасдиқлансан.

8. Рақамли технологиялар вазирлиги манбаатдор ташкилотлар билан биргаликда белгиланган тартибда Агентлик ва Корхонага Лойихани амалга ошириш доирасида лойиҳа-техник хужжатлари, шунингдек, лойиҳа доирасида жорий этиладиган аппарат воситалари ва дастурий маҳсулот-

\* 3-4-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ларни аттестациядан, экспертизадан ўтказиш ва сертификатлаштиришда кўмаклашсин.

9. Лойихани амалга оширишда иштирок этувчи Корхона ва тўлов ташкилотига Даастурйи маҳсулотлар ва ахборот технологиялари технологик парки резидентлари учун қонун хужжатларида назарда тутилган солиқ ва божхона имтиёзлари татбиқ этилсин.

Лойиха доирасида Корхона томонидан берилган товарлар (ишлар, хизматлар) қабул қилувчи томон учун фойда солиғи, айланмадан олинадиган солиқ ва жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи бўйича солиқ солиш объекти ҳисобланмаслиги белгилаб қўйилсин.

**10. Агентлик талабномаларига (буортманомаларига) мувофиқ:**

Ташқи ишлар вазирлиги — Лойихани амалга оширишда иштирок этаётган хорижий мутахассисларга консуллик ва бошқа йиғимлар ундирамаган ҳолда кириш визалари расмийлаштирилишини;

Ички ишлар вазирлиги — кўп марталик визалар берилиши ва унинг муддати узайтирилишини, шунингдек, Лойихани амалга оширишда иштирок этувчи хорижий мутахассислар вақтинча турган жойи бўйича рўйхатга олиниши ва унинг муддати узайтирилишини;

Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги — белгиланган тартибда Лойихани амалга оширишда иштирок этаётган юқори малакали хорижий мутахассисларга Ўзбекистон Республикаси ҳудудида меҳнат фаолиятини олиб бориш ҳуқуқини берувчи тасдиқномалар берилишини таъминласин.

**11. Агентлик:**

**а) Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига:**

2025 йил 1 майга қадар Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги билан биргаликда ижтимоий картани жорий қилишнинг тажриба босқичи натижаларини ўрганиш асосида ижтимоий ёрдамга муҳтоҷ тоифадаги барча шахсларни, шу жумладан пенсия олувчиларни ижтимоий карта билан қамраб олиш ва давлат томонидан ижтимоий қўллаб-қувватлашнинг барча чораларини ижтимоий карта орқали тақдим этишнинг мақсадга мувофиқлиги тўғрисидаги таклифларни;

2025 йил 15 майга қадар Лойихани амалга ошириш доирасида хусусий, жумладан, институционал инвесторларни жалб қилган ҳолда тижорат банкини ташкил этиш тўғрисидаги таклифни;

2025 йил 15 декабрга қадар «Ягона миллий ижтимоий ҳимоя» ахборот тизимини янада ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш ҳамда давлат томонидан ижтимоий қўллаб-қувватлаш чораларини рақамли технологиялар асосида тақдим этишга ўтиш тўғрисидаги таклифни киритсин;

**б)** ахборот хавфсизлиги талабларини ҳисобга олган ҳолда «Ягона миллий ижтимоий ҳимоя» ва «Ижтимоий карта» ахборот тизимларининг ўзаро интеграциясини ва маълумотлар алмашинувини таъминласин.

**12. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки:**

Лойихани амалга ошириш доирасида Агентликнинг мурожаатига кўра ўз ваколатларига тааллуқли масалалар бўйича лицензиялар ва руҳсат этиш хусусиятига эга ҳужжатлар белгиланган тартибда берилишида кўмаклашсин;

уч ой муддатда эквайер тижорат банклари билан биргаликда ижтимоий карталарга хизмат кўрсатишида савдо ва хизмат кўрсатиш корхоналарининг асосий фаолияти бўйича тўғри таснифланишини таъминлаш мақсадида савдо нукталарига чиқарилган барча тўлов терминалларининг МСС кодларини (сотувчи тоифаси коди) хатловдан ўтказсин;

2024 йил 1 октябрдан бошлаб тижорат банклари ходимлари учун тўлов терминалларини беришда сотувчилар тоифаларини тўғри кодлаш бўйича мажбурият белгиласин.

13. Солик қўймитаси Агентликка алкоголь ва тамаки маҳсулотларини, шунингдек бошқа товарлар, ишлар ёки хизматларни сотиш нукталарида маҳсулот ва хизматларнинг идентификация кодларидан фойдаланиш мониторинги асосида ижтимоий карта, мобиль илова орқали амалга ошириладиган харажатлар таҳлилини ўтказишида кўмаклашсин.

14. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси мазкур қарорнинг мақсад ва вазифалари ҳамда ахоли ва тадбиркорлик субъектлари учун яратилаётган имкониятлар ва ижтимоий карта афзалликлари кенг ёритилишини таъминласин.

15. Мазкур қарор ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Баш вазири А.Н. Арипов ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчиси — Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги директори М.П. Оллоёров зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2024 йил 18 июль,  
ПҚ-267-сон

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ҚАРОРИ**

**246 Туризм соҳасида кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида\***

Мамлакатимизда туризм соҳасида халқаро стандартларга мос узлуксиз таълим тизимини янада такомиллаштириш, меҳнат бозорининг замонавий талабларига мувофиқ юқори малакали рақобатбардош кадрларни тайёрлаш тизимини йўлга қўйиш, фан, таълим ва ишлаб чиқариш интеграциясини таъминлаш, шунингдек, хизматлар сифатини жаҳон талабларига тўлиқ мос келадиган даражага олиб чиқиш мақсадида:

1. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга кўра:

а) 2024/2025 ўқув йилидан бошлаб Ўзбекистон Республикасидаги давлат олий таълим муассасаларида туризм ва меҳмонхона хўжалиги соҳаларида кадрлар тайёрлаш тизими уч йиллик олий таълим дастурлари асосида йўлга қўйилади ва ўқув жараёни «блок-модуль» тизимига асосланган дуал таълим шаклида ташкил этилади. Бунда, ўқув жараёнларининг назарий ва амалий машғулотлар улушкини:

биринчи босқичда — 80 фоиз назарий ва 20 фоиз амалий;

иккинчи босқичда — 50 фоиз назарий ва 50 фоиз амалий;

учинчи босқичда — 30 фоиз назарий ва 70 фоиз амалий бўлиши назарда тутилади;

б) 2024 йил 1 августдан бошлаб:

туризм соҳасида кадрлар тайёрловчи олий таълим муассасаларида таълим жараёнини амалиёт билан бирга олиб бориш мақсадида уларнинг худудларида бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан юридик шахс мақомига эга бўлмаган амалиёт базаларини (туроператор, турагент, гид-таржимон, меҳмонхона ва туризм транспорти хизматларини кўрсатиш обьектлари (кейинги ўринларда — хизматлар кўрсатиш обьектлари) белгиланган тартибда ташкил этишга рухсат берилади;

2027 йил 1 январга қадар туризм соҳасида кадрлар тайёрловчи олий таълим муассасаларининг амалиёт базаларида кўрсатилган хизматлар учун фойда солиғи ушбу солиқ бўйича белгиланган солиқ ставкаларига нисбатан 50 фоизга камайтирилган ставкада тўланади. Бунда, ушбу солиқ имтиёзини қўллаш натижасида бўшайдиган маблағлар ташкил этилаётган хизматлар кўрсатиш обьектларининг моддий-техника базасини ривожлантиришга йўналтирилади.

2. 2024-2025 йилларда туризм соҳасида кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш ҳамда олий таълим муассасалари томонидан худудларда туризмни ривожлантиришга кўмаклашиш бўйича чора-тадбирлар режаси 1-иловага\*\* мувофиқ тасдиқлансин.

3. 2025/2026 ўқув йилидан бошлаб Самарқанд шаҳридаги Халқаро ту-

\* Ушбу қарор «Конунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2024 йил 23 июлда эълон қилинган.

\*\* 1-и洛ва «Конунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ризм академиясида (кейинги ўринларда — Академия) мөхмонхоналар ва ресторанлар учун юқори малакали хизмат кўрсатувчи ходимларни тайёрлаш йўлга қўйилсин.

4. Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳамда Ташқи ишлар вазирлиги билан биргаликда 2025 йил 1 марта қадар «Ипак йўли» туризм ва маданий мерос халқаро университети (кейинги ўринларда — Университет) қошидаги профессионал таълим муассасаларига халқаро даражада тан олинган таълим дастурларини «франшиза» асосида жорий этиш чораларини кўрсинг.

5. Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги:

а) Туризм қўмитаси билан биргаликда 2024/2025 ўқув ўилига қадар:

туризм ва мөхмонхона хўжалиги соҳалари бўйича олий таълим дастурларини жаҳон рейтингидаги биринчи 100 таликка кирувчи нуфузли олий таълим муассасаларининг таълим дастурлари асосида қайта кўриб чиқиб, «Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификатори»да ушбу таълим йўналишларини кенгайтириш ҳамда унга пазандачилик соҳасида кадрлар тайёрлашга оид янги таълим йўналишини киритиш билан боғлиқ ўзгартиришлар киритсан;

туризм ва мөхмонхона хўжалиги соҳаларига оид олий таълим йўналишларининг дуал таълим шакли бўйича Таълимнинг халқаро стандарт таснифлагида даражалари билан уйғунлашган янги малака талаблари ҳамда таълим дастурларини ишлаб чиқсан;

б) 2024 йил 1 августдан бошлаб олий таълим муассасаларида туризм ва мөхмонхона хўжалиги соҳаларидаги кадрларга бўлган буюртмаларни шакллантиришда йўналишларга оид амалиёт базалари мавжудлигини қатъий назоратга олсин;

в) икки ой муддатда туристларга хизмат кўрсатувчи гид-таржимонлар сонини ошириш мақсадида 2-иловага\* мувофиқ олий таълим муассасалари хузурида шартнома асосида араб, япон, хитой, хинд, испан, италян, корейс, урду, индонез ва малай тилларида хизмат кўрсатувчи гид-таржимонларни тайёрлаш бўйича қўшимча курсларни ташкил этсин.

6. Белгилансинки:

2024 йил 1 октябрдан бошлаб мазкур қарорга 2-иловада кўрсатилган олий таълим муассасаларида араб, япон, хитой, хинд, испан, италян, корейс, урду, индонез ва малай тилларида хизмат кўрсатувчи гид-таржимонларни тайёрлаш курсларини ташкил этиш харажатларининг 30 фоизи олий таълим муассасаларининг сўровига қўра Туризмни қўллаб-қувватлаш жамғармаси хисобидан уч йил давомида қоплаб берилади;

Академияга 2025/2026 ўқув ўилидан бошлаб талабаларни қабул қилиш квоталари олий таълим муассасаларига ўқишига қабул қилишнинг давлат буюртмаси ва қўшимча қабул параметрларидан келиб чиқиб белгиланади.

Академия Самарқанд шаҳар, Бобурмирзо кўчаси, За-уй манзилидаги Университетга қарашли бинога бепул жойлаштирилсин.

\* 2-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

7. Туризм қўмитаси:

бир ой муддатда туризм, сервис, меҳмонхона хўжалиги ва гид (гид-таржимон) тайёрлаш соҳасидаги таълим йўналишлари бўйича педагоглар учун ўрта ва қисқа муддатли ўқув курсларини ташкил этиш мақсадида Университет хузуридаги Реставраторларни қайта ўқитиш ва малакасини ошириш маркази негизида юридик шахс мақомига эга бўлган Туризм соҳасида кадрларни қайта тайёрлаш ва малака ошириш марказини ташкил қилсин;

Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги ҳамда Иқтисодиёт ва молия вазирлиги билан биргалиқда икки ой муддатда Университет хузуридаги «Ипак йўли» музейи, «Ипак йўли» арт-резиденцияси, «Ипак йўли» санъат галереясининг (кейинги ўринларда — муассасалар) штат нормативларини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

8. Белгилаб қўйилсинки:

а) муассасалар ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашда Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 19 июндаги «Давлат маданият муассасалари ва давлат архивлари ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш ва уларни моддий рафбатлантиришнинг такомиллаштирилган тизимини тасдиқлаш ҳақида»ги 458-сон қарорига мувофиқ тегишли муассасалар учун белгиланган шарт-шароитлар татбиқ этилади;

б) муассасаларни молиялаштириш:

2024 йилда Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчи сифатида Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлигига ажратилган маблағлар доирасида амалга оширилади;

2025 йилдан бошлаб бюджет қонунчилиги талабларига мувофиқ тақдим этилган бюджет сўровномаларига асосан Давлат бюджети параметрларида назарда тутилади.

9. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазири А.А. Абдуҳакимов белгилансин.

Қарор ижросини муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2024 йил 18 июль,  
ПҚ-269-сон

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ҚАРОРИ**

**247 Сиёсий қатағон қурбони бўлган юртдошларимиз ҳаёти ва  
фаолиятини ўрганиш, тарғиб этиш ҳамда уларнинг хоти-  
расини абадийлаштириш борасидаги ишларни кенгайтириш тўғри-  
сида\***

Маълумки, 1937 — 1953 йилларда мустабид тузум томонидан 100 минг-дан зиёд халқимиз вакиллари қатағон сиёсатининг қурбони бўлган. Бу юртдошларимизнинг 13 минг нафари отиб ташланган, минглаб кишилар ноҳақ қулоқ қилинган, сургунларга жўнатилган. Улар орасида атоқли давлат ва сиёсат арбоблари, илм-фан намояндлари, ижодкор зиёлилар, диний уламолар, ҳарбий соҳа ва суд-хуқуқ тизими ходимлари, ишчи-дехқонлар ва уларнинг оила аъзолари бўлган.

Ватанимизнинг миллий истиқоли, халқимиз озодлиги учун курашиб, шу йўлда жонини фидо этган, сиёсий қатағон қурбонлари бўлган ота-боболаримизнинг ҳаёти ва фаолиятини атрофлича ўрганиш ва тадқиқ этиш, уларнинг номлари ва хотирасини абадийлаштириш бўйича кейинги йилларда юртимизда кенг кўламли ишлар оширилмоқда.

Жумладан, 2021 — 2024 йиллар давомида Ўзбекистон Республикаси Олий суди томонидан 1 минг 200 дан зиёд сиёсий қатағон қурбонларининг номлари оқланганини алоҳида қайд этиш лозим.

Ҳозирги мураккаб ва таҳликали даврда мустақиллигимизни ҳар томонлама мустаҳкамлаш, тарихимизнинг номаълум саҳифаларини тиклаш ва илмий нуқтаи назардан чукур ўрганиш, инсон, унинг хуқуқ ва эркинликларини олий қадрият сифатида эътироф этиш, шу асосда юртдошларимиз, айниқса, ёш авлоднинг Ватан тақдири ва келажагига даҳлдорлик туйғусини, фуқаролик позициясини кучайтириш, уларни бугунги тинч, эркин ва озод ҳаётнинг қадрига этиш руҳида тарбиялаш мақсадида:

1. Сиёсий қатағон қурбони бўлган юртдошларимизнинг ҳаёти ва фаолиятини ўрганиш ҳамда уларнинг хотирасини абадийлаштириш ишларини мувофиқлаштириш бўйича республика комиссияси (кейинги ўринларда — Республика комиссияси) 1-иловага\*\* мувофиқ таркибда ташкил этилсин.

2. Куйидагилар Республика комиссиясининг асосий вазифалари этиб белгилансин:

қатағон қурбони бўлган шахсларнинг ҳаёти ва фаолиятини ўрганиш, уларни номма-ном аниқлаш, тарихий хизматлари ҳақидаги маълумотларни, архив ва музейлар, кутубхоналар ва турли фондларда сақланаётган ҳужжатларни тўплаш ва тадқиқ этиш, оммалаштириш учун ишчи гурухлар фаолиятини ташкил этиш;

қатағон қурбонларининг авлодлари ва яқинлари, ўша давр воқеаларига гувоҳ бўлган инсонларнинг хотираларини ёзиб олиш, оиласиёй архив ва ку-

\* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2024 йил 19 июлда эълон қилинган.

\*\* 1-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

тубхоналарда сақланаётган тарихий манбаларни, ноёб суратларни тўплаш бўйича ишларни мувофиқлаштириш;

Қатағон қурбонлари хотираси давлат музейи, унинг ҳудудлардаги бўлимлари ҳамда Жадидлар мероси давлат музейининг мавзуга доир маълумотлар, ашёвий далил ва ҳужжатлар, бошқа тегишли экспонатлар билан мунтазам равишда бойитиб борилишини таъминлаш;

қатағон қилингандар юртдошларимиз ҳақидаги тарихий ҳақиқатни тиклаш ва келгуси авлодларга етказиш мақсадида кўп жилдлик «Қатағон қурбонлари» китобини чоп этиш ҳамда уларнинг номларини Тошкент шаҳридаги «Шахидлар хотираси» ёдгорлик мажмуасида барпо этиладиган рамзий китоб саҳифаларига киритиш ишларини давом эттириш;

чет элдаги турли фонdlар, архив, музей, кутубхона ва бошқа илмий-маърифий муассасалар ҳамда тегишли мутахассислар билан ҳамкорлик ўрнатган ҳолда, мавзуга оид илмий экспедициялар ташкил этиши;

ёш авлодни Ватанимиз озодлиги йўлида жонини фидо қилган буюк аждодларимиз хотирасига ҳурмат руҳида тарбиялаш, уларнинг жасорати ва ибратли фаолиятини тарғиб этишга қаратилган маънавий-маърифий ишларни йўлга қўйиш.

Республика комиссиясининг ишчи органи этиб Мудофаа вазирлигининг умумий раҳбарлигига Қатағон қурбонлари хотираси давлат музейи, Фанлар академияси Тарих институти, Мудофаа вазирлиги ҳузуридаги Жамоатчилик кенгаши, Қуролли Кучлар академияси, Мудофаа ва ҳарбий хавфсизлик муаммоларини ўрганиш институти, «Ғалаба боғи» ёдгорлик мажмуаси, «Шон-шараф» давлат музейи масъул ходимлари ва етакчи мутахассисларидан иборат гурӯҳ белгилансин.

3. Республика Маънавият ва маърифат маркази, Фанлар академияси, Ёзувчилар уюшмаси, Қатағон қурбонлари хотираси давлат музейининг ҳар йили октябрь ойининг биринчи ҳафтасини мамлакатимизда Сиёсий қатағон қурбонларини ёд этиш ҳафталиги сифатида нишонлаш тўғрисидаги таклифи маъқуллансан.

Республика комиссияси Қатағон қурбонларини ёд этиш ҳафталигини мунносиб даражада ўтказиш бўйича тегишли чора-тадбирларни ишлаб чиқсин ва уларнинг амалга оширилишини таъминласин.

4. Қатағон қурбонлари, жумладан, жадидлик ҳаракати намояндаларининг ибратли ҳаёти ва фаолиятини ҳалқимиз, айниқса, ёшлар орасида янада кенг тарғиб этиш мақсадида:

«Нуроний» жамғармаси, Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси «Шахидлар хотираси» жамоат фонди, Республика Маънавият ва маърифат маркази, Ёшлар ишлари агентлиги ҳалқимизнинг мустақилликка эришиш йўлидаги кўп асрлик мардана кураши, бу йўлда сиёсий қатағонга учраган юртдошларимизнинг ҳаёти ва фаолияти ҳамда уларнинг хотирасига бағишиланган маънавий-маърифий тарғибот тадбирлари, давра сухбатлари, таълим муассасалари ва маҳаллаларда уч авлод учрашувларини ташкил этиб борсин;

Маданият вазирлиги давлат буюртмаси асосида спектакллар, бадиий ва ҳужжатли фильмлар яратсин;

Ёшлар ишлари агентлиги аудиовизуал маҳсулотлар тайёрлаб, уларни интернет тармоғида оммалаштирун, шунингдек, фойдаланувчилар ўртасида турли танлов, мусобака ва акциялар ўтказсин;

Фанлар академияси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги билан биргаликда Фанлар академияси Тарих институтининг «Jadidlar.uz» электрон платформасини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш ва платформани янги электрон адабиётлар, тарихий манбалар, жадид матбуоти намуналари ва аудиовизуал маҳсулотлар билан бойитиш чораларини кўрсинг;

Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги таълим ташкилотларида ўтказиладиган «Мустақиллик дарслари» доирасида қатағон қурбонлари, жумладан, жадидлик ҳаракати намояндадарига бағишлиланган ўкув машғулотларини ташкил этсин;

Туризм қўмитаси қатағон қурбонларининг номлари билан боғлиқ музей ва обьектларни сайёхлик йўналишларига киритиш чора-тадбирларини кўрсинг.

5. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлклари Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги, Ёшлар ишлари агентлиги, Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси, «Нуроний» жамғармаси, «Шахидлар хотираси» жамоат фонди билан биргаликда Республика комиссиясининг қарори асосида:

қатағон қурбонлари ва жадидлик ҳаракати вакиллари бўлган шахслар туғилиб ўсган, яшаган хонадонларни аниқласин ва уларда эсадалик лавҳаларини ўрнатсин;

маҳаллаларда ва умумтаълим мактабларида тегишли тарзда «Қатағон қурбонлари хотираси бурчаклари»ни, стендлар ва бошқа кўргазмали воситалярни ташкил этсин.

Мазкур бандда белгиланган вазифалар маҳаллий бюджетлар маблағлари хисобидан амалга оширилади.

6. Қатағон қурбонлари, жумладан, жадидлик ҳаракати намояндадаринг ҳаёти ва фаолияти, илмий-ижодий мероси, шунингдек, ўша даврдаги сиёсий-ижтимоий жараёнлар бўйича тадқиқотлар олиб бориш мақсадида:

Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги мавзуга оид илмий тадқиқот ишларига давлат буюртмасининг танловлар асосида шакллантирилиши ҳамда илмий лойиҳаларнинг амалга оширилишини таъминласин;

Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги, «Ўзархив» агентлиги, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги, Маданий мерос агентлиги, Фанлар академияси қатағон қурбонлари ва жадидлик ҳаракати намояндадарининг илмий-ижодий фаолиятига тегишли нодир китоблар, қўлёзма асарлар, тарихий ҳужжатлар ва бошқа материалларни таъмирласин ҳамда рақамлаштирун;

«Ўзархив» агентлиги Давлат ҳавфсизлик хизмати билан биргаликда давлат архивларида сақланётган қатағон қурбонлари ва жадидлик ҳаракати намояндадарига оид муайян архив ҳужжатларини белгиланган тартибда маҳфийликдан чиқариш чораларини кўрсинг;

вазирлик ва идоралар қатағон қурбонлари ва жадидлик ҳаракати намоян-

даларининг номларини аниқлаш борасида изланишлар олиб бориш учун Республика комиссияси тавсиясига асосан, тегишли идоравий архивлардан фойдаланиш имкониятини яратсин;

Ташки ишлар вазирлиги қатағон қурбонларининг ҳаёти ва фаолиятига доир чет эллардаги мавжуд манбаларни излаб топиш ва ўрганишда хориждағи илмий-тадқиқот марказлари, нуфузли университет ва фондлар ҳамда соҳа мутахассислари билан яқиндан ҳамкорликни йўлга қўйишида амалий ёрдам кўрсатсан.

7. Маданий мерос агентлиги Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларни билан биргаликда шахсий ва оиласи архивларда сақлаб келинаётган қатағон қурбонлари фаолиятига бевосита даҳлдор бўлган қўллэзма, китоб, сурат ва буюм шаклидағи тарихий-маданий ашёларнинг давлат музейлари фондларига қабул қилиб олинишини ташкил этсан.

8. Қатағон қурбонлари хотираси давлат музейи Рақамли технологиялар вазирлиги, Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларни билан биргаликда Қатағон қурбонлари хотираси давлат музейи ва унинг худудлардаги бўлимлари фондларини мунтазам бойитиб бориш, уларда янги экспозиция ва кўргазмалар ташкил этиш ҳамда бу борада замонавий рақамли технологиялар ва мультимедиа воситаларидан кенг фойдаланишни йўлга қўйисин.

9. Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Миллий гвардия, Давлат хавфсизлик хизмати, Бош прокуратура, Божхона қўмитаси ушбу қарор билан белгиланган вазифаларни бажаришда даҳлдор вазирлик, идора ва ташкилотларга ҳар томонлама ёрдам кўрсатилишини таъминласин.

10. Адлия вазирлиги Бош прокуратура, Давлат хавфсизлик хизмати, Олий суд, Ички ишлар вазирлиги, Қатағон қурбонлари хотираси давлат музейи, Фанлар академияси ҳамда Республика Маънавият ва маърифат маркази билан биргаликда икки ой мuddатда мустабид тузум даврида сиёсий қатағонга учраган шахсларни реабилитация қилиш тартибини назарда тутадиган норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибида киритсан.

11. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги:

2025 йилдан бошлаб қатағон қурбонлари ва жадидлик харакати намояндаларига бағишлиланган тадбирларни ўтказиш, «Қатағон қурбонлари» хотира китобларини, китоб ва альбомлар, йўл кўрсаткичларини тайёрлаш, шунингдек, кўргазмалар ташкил этиш билан боғлиқ харажатларни Давлат бюджети параметрларини шакллантиришда инобатга олсин;

манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой мuddатда Қатағон қурбонлари хотираси давлат музейининг тузилмасини такомиллаштириш, жумладан, унинг таркибида мультимедиа, нашриёт ва матбаа бўлинмаларини ташкил этиш ҳамда музей ва унинг худудий бўлимларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсан.

12. Сиёсий қатағон қурбони бўлган юртдошларимизнинг ҳаёти ва фаолиятини ўрганиш ҳамда уларнинг хотирасини абадийлаштириш борасидаги ишларни кенгайтириш бўйича чора-тадбирлар дастури 2-иловага\* мувофиқ тасдиқлансан.

13. Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига қатағон қурбонларининг ҳаёти ва фаолияти, уларнинг илмий-ижодий меросининг моҳияти ва тарбиявий аҳамиятини тарғиб қилишга қаратилган тадбирларни кенг ёритиш, мавзуга оид телекўрсатув ва радиоэшиттишларни мунтазам эфирга узатиш ҳамда матбуот нашрлари ва интернет саҳифаларида мақолалар эълон қилиб бориш тавсия этилсин.

14. Адлия вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонунчиликка ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

15. Ушбу қарор ижросини муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул вазирлик ва идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ҳамда назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси**  
**Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2024 йил 19 июль,  
ПҚ-270-сон

\* 2-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ҚАРОРИ**

**248 Волейбол спорт турларини янада ривожлантириш чо-ра-тадбирлари тўғрисида\***

Волейбол спорт турларини янада оммалаштириш, ёшлар орасидан волейбол спорт турлари билан шуғулланувчи спортчиларни саралаб олиш тизими ни яхшилаш, ушбу спорт тури бўйича замонавий спорт инфратузилмасини яратиш ҳамда миллий терма жамоаларимизнинг нуфузли спорт мусобакала-рида юқори натижаларга эришишини таъминлаш максадида:

1. Қўйидагилар волейбол, соҳил волейболи ва пара волейбол спорт турларини (кейинги ўринларда — волейбол спорт турлари) ривожлантиришнинг асосий йўналишлари этиб белгилансин:

волейбол спорт турларини аҳоли ўртасида кенг тарғиб қилиш ҳамда энг оммавий спорт турларидан бирига айлантириш;

иктидорли спортчилар, шу жумладан, спортчи-аёлларни аниқлаш, селекция қилиш ҳамда уларни профессионал спортчилар сифатида тайёрлашнинг барча босқичларини рақамлаштириш;

зарур шароитларга эга профессионал ва олий таълим ташкилотларида волейбол спорт турлари бўйича тўғаракларни ташкил этиш;

волейбол спорт турлари бўйича профессионал тренерлар ва ҳакамларни тайёрлаш тизимини ривожлантириш;

волейбол спорт турлари бўйича замонавий спорт мажмуаларини барпо этиш, мавжуд моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, уларни замонавий спорт анжомлари ва жихозлари билан таъминлаш.

2. Қўйидагилар:

2024 — 2026 йилларда волейбол спорт турларини ривожлантириш дастури (кейинги ўринларда — Дастур) 1-иловага\*\* мувофиқ;

2024 — 2026 йилларда волейбол спорт турларини ривожлантиришнинг мақсадли кўрсаткичлари 2-иловага\*\* мувофиқ тасдиқлансин.

3. Спорт вазирлиги, Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси, Ўзбекистон Миллий паралимпия қўмитаси, Ўзбекистон волейбол федерациясининг 2025 йилдан бошлаб ҳар йили анъанавий тарзда:

олий таълим муассасалари талabalари, профессионал таълим ва умумий ўрта таълим муассасалари ўқувчилари ўртасида «Volleyball stars» Ўзбекистон кубогини;

вазирлик ва идоралар ходимлари ўртасида уч босқичли (туман (шаҳар) — вилоят — республика) волейбол спорт турлари бўйича «Янги Ўзбекистон» республика мусобақасини;

умумий ўрта таълим муассасалари юқори синф ўқувчилари ўртасида уч босқичли Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги кубогини;

---

\* Ушбу қарор «Конунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2024 йил 23 июлда эълон қилинган.

\*\* 1-2-иловалар «Конунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ногиронлиги бўлган шахслар ўртасида пара волейбол спорт мусобақаларини ўтказиб бориш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин.

Ўзбекистон волейбол федерацияси (П. Бобожонов) Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги (Х. Умарова), Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги (К. Шарипов) ҳамда Спорт вазирлиги (А. Икрамов) билан биргаликда икки ой муддатда мазкур бандда кўрсатилган спорт мусобақаларини ўтказиш тартибини тасдиқласин.

4. Спорт вазирлиги (А. Икрамов), Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги (К. Шарипов), Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги (Х. Умарова), Ички ишлар вазирлиги (П. Бобожонов), Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси (О. Қосимов), Ўзбекистон Миллий паралимпия қўмитаси (М. Ташходжаев) ва Ўзбекистон волейбол федерацияси билан биргаликда:

уч ой муддатда мазкур қарорнинг З-бандида кўрсатилган мусобақаларга пухта тайёргарлик кўриш, уларни юқори савияда ташкил этиш ва ўтказиш ҳамда мусобақа ғолиб ва совриндорларини муносиб рағбатлантириш бўйича чора-тадбирлар режасини тасдиқласин;

ушбу қарорнинг З-бандида кўрсатилган спорт мусобақаларини 2025 йил 1 январдан бошлаб бюджетдан ажратилган маблағлар доирасида Спорт ва оммавий жисмоний тарбия тадбирларининг республика календарь режасига киритиш чораларини кўрсин.

##### 5. Белгилаб қўйилсинки:

умумий ўрта таълим муассасалари ўқувчилари ўртасида волейбол спорт тури бўйича Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги кубоги мусобақаларининг финал босқичида ғолиб бўлган таълим муассасаларига уларнинг ҳақиқий эҳтиёжидан келиб чиқиб, зарур спорт жиҳоз ва анжомлари етказиб берилади;

ғолиб бўлган умумий ўрта таълим муассасаларини уларнинг ҳақиқий эҳтиёжидан келиб чиқиб, зарур спорт жиҳоз ва анжомлари билан таъминлаш Ўзбекистон волейбол федерациясининг маблағлари ҳисобидан амалга оширилади;

вазирлик ва идоралар ходимлари ўртасида ҳар йили ўтказиладиган «Янги Ўзбекистон» республика мусобақасининг туман (шаҳар) ва ҳудудий босқичларини ташкил этиш ҳамда ўтказиш ушбу вазирлик ва идоралар томонидан Ўзбекистон волейбол федерацияси билан келишган ҳолда амалга оширилади.

6. Ўзбекистон волейбол федерациясининг 2025 йилдан бошлаб ҳар икки йилда бир марта федерацияга йўналтириладиган ҳомийлик хайриялари ҳисобидан волейбол бўйича Марказий Осиё волейбол ассоциацияси (CAVA)га аъзо давлатлар ўртасида «Буюк Ипак йўли» ҳалқаро турнирини ўтказиб бориш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

7. Спорт вазирлиги, Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси, Ўзбекистон волейбол федерацияси ва Наманган вилояти ҳокимлигининг Наманган вилояти Учқўрғон тумани олимпия ва миллий спорт турлари бўйича давлат ихтинослаштирилган мактаб-интернатини амалдаги молиялаштириш тартибини сақлаб қолган ҳолда Волейбол спорт турларига ихтинослаштирилган давлат

мактаб-интернати (кейинги ўринларда — мактаб-интернат) сифатида қайта ташкил этиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

8. Куйидагилар мактаб-интернатнинг қўшимча вазифалари этиб белгилансин:

волейбол спорт турлари бўйича илфор хорижий давлатлар тажрибалари ни ўрганиш ва мамлакатимизда жорий этиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш;

волейбол спорт турлари бўйича ўкув дастурларини янгилаш, ёшларнинг тайёргарлик жараёнига илфор инновацион технологияларни жорий этиш;

волейбол спорт турлари бўйича миллий терма жамоалар учун профессионал спортчилар захирасини яратиш ҳамда бу борада Россия, Беларусь, Италия, Польша, Япония ва Туркия давлатларининг волейбол клублари билан ҳамкорликни ривожлантириш.

9. Белгилансинки:

мактаб-интернат фаолияти волейбол спорт турлари бўйича иқтидорли ёш спортчиларни саралаб олиш ва уларни терма жамоаларга асосий номзод сифатида тайёрлашга йўналтирилади;

мактаб-интернат 2024/2025 ўкув ўилидан фаолиятини бошлайди ҳамда ўз фаолиятини Вазирлар Махкамасининг 2018 йил 2 июндаги «Спорт турлари бўйича ихтисослаштирилган давлат мактаб-интернатлари фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида»ги 410-сон қарорида белгиланган тартибга мувофиқ амалга оширади;

мактаб-интернатнинг волейбол спорт турлари бўйича ўқувчи-спортчилари сони мактаб-интернатнинг умумий контингенти доирасида Спорт вазирлиги томонидан белгиланади ҳамда мавжуд спорт иншоотлари имкониятларидан келиб чиқиб қўшимча равишда чим устида хоккей, гандбол, эркин кураш каби спорт турлари ҳам ривожлантирилади;

2024/2025 ўкув ўилига қадар мактаб-интернатда мазкур бандда кўзда тутилмаган бошқа спорт турлари бўйича таҳсил олаётган ўқувчилар ушбу мактаб-интернатни тўлиқ тамомлагунга қадар ўқишини давом эттиради.

10. 2025/2026 ўкув ўилидан бошлаб волейбол спорт тури бўйича юкори натижаларга эришган 16 нафардан (8 нафар ўғил, 8 нафар қиз) иқтидорли спортчи-ўқувчи Спорт вазирлигининг тавсиясига асосан Ички ишлар вазирлиги академик лицейларига танловнинг дастлабки ва маҳсус-профессионал босқичидан муваффақиятли ўтгандан сўнг тест синовларисиз умумий квота доирасида ички ишлар вазири томонидан белгиланган тартибда ўқишга қабул қилинсин.

11. 2025-2026 йилларда Ички ишлар вазирлиги (П. Бобоҷонов) вазирлик тасарруфида бўлган Тошкент вилояти, Бўстонлик туманидаги «Оқтош» болалар соғломлаштириш оромгоҳи базасида волейбол спорт турлари бўйича республика ва ҳалкаро ўқув-йиғин машғулотларини ўтказишга мўлжалланган ёпиқ турдаги спорт иншоотлари барпо этилишини таъминласин.

Мазкур ёпиқ турдаги спорт иншоотларини қуриш билан боғлиқ харажатлар Ички ишлар вазирлигининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

12. Спорт вазирлиги (А. Икрамов):

а) бир ой муддатда мактаб-интернатнинг уставини тасдиқласин ва белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилишини таъминласин;

б) Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси, Ўзбекистон Миллий паралимпия қўмитаси ва Ўзбекистон волейбол федерацияси билан биргаликда:

мактаб-интернатда спортчиларни тайёрлаш сифати юзасидан доимий давлат назоратини амалга ошириш;

мактаб-интернат ўқув-машғулот жараёнида волейбол ривожланган хорижий мамлакатларнинг юқори малакали кадрлари ҳамда илмий-методик салоҳиятидан унумли фойдаланишни йўлга қўйиш чораларини кўрсинг.

13. Давлат хавфсизлик хизмати, Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Миллий гвардия ва Божхона қўмитаси Ўзбекистон волейбол федерацияси билан биргаликда 2024 йил 1 сентябрдан бошлаб:

волейбол спорт турлари бўйича ўз тизимида бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан спорт клублари фаолиятини;

ўз ходимлари ўртасида «Мустаҳкам оила — армия таянчи» шиори остида ҳар йили волейбол мусобақаларини ўтказиб бориш амалиётини йўлга қўйсин.

14. Ўзбекистон волейбол федерациясига спорт заллари беғараз бириклириладиган давлат таълим муассасаларининг манзилли рўйхати З-иловага\* мувофиқ тасдиқлансан.

Бунда, давлат таълим муассасаларининг спорт заллари дарсдан бўш вактларда, шунингдек, ёзги таътил даврида волейбол спорт турлари бўйича ҳудудий терма жамоалар шуғулланиши учун ажратилади.

15. Ўзбекистон волейбол федерацияси ҳамда Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитасининг Ўзбекистон волейбол федерацияси тизимида юридик шахс шаклидаги ҳудудий профессионал волейбол клубларини ташкил этиш тўғрисидаги таклифлари маъкуллансан.

Белгилансинки:

ҳудудий профессионал волейбол клублари учун бино ва иншоотларни барпо этиш Спорт вазирлиги билан келишилган намунавий лойиҳа асосида маҳаллий бюджетнинг қўшимча манбалари ва ҳомийлик хайриялари ҳисобидан амалга оширилади ҳамда уларга ҳудудий профессионал волейбол клублари текин фойдаланиш хуқуқи асосида жойлаштирилади;

ҳудудий профессионал волейбол клублари иқтидорли ёш спортчиларни саралаб (селекция) олишни ҳамда келгусида уларни миллий терма жамоаларнинг асосий ва захира таркибига тайёрлаб беришни амалга оширади, шунингдек, ҳудудий саралаш мусобақаларини ўтказиб боради;

ҳудудий профессионал волейбол клублари маҳаллий бюджет ва ҳомийлик хайриялари ҳисобидан Халқаро волейбол федерациясининг талаблари асосида ишлаб чиқарилган спорт жиҳозлари ва инвентарлари билан таъминланади.

16. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгashi, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари:

\* З-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

бир ой муддатда худудий професионал волейбол клублари учун бино ва иншоотларни барпо этиш ҳамда спорт жиҳозлари ва инвентарлари билан таъминлаш ишларини амалга ошириш учун зарур бўлган маблағларни ажратиш бўйича тегишли халқ депутатлари Кенгашларига таклиф киритсин;

хар йили худудий професионал волейбол клублари фаолиятини қўллаб-қувватлаш, спортчиларнинг ҳудудий, республика ва халқаро спорт мусобақаларида иштирок этиши учун ҳудудий спорт ва оммавий жисмоний тарбия тадбирлари календарь режасига зарур маблағларни йўналтириб борсин;

ҳудудий професионал волейбол клубларини спорт анжомлари ва жиҳозлари билан таъминлаш чораларини кўрсинг.

17. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Спорт вазирлиги ҳамда Ўзбекистон волейбол федерацияси биргалиқда мазкур қарорнинг мазмун-моҳияти ва амалий аҳамиятини ёритишига оид мақола, брифинг, тематик телекўрсатувлар ташкил этсин.

18. Спорт вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргалиқда уч ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

19. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб Ўзбекистон Республикаси спорт вазири А.И. Икрамов, Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси бош котиби О.О. Қосимов ҳамда Ўзбекистон волейбол федерацияси раиси П.Р. Бобожонов белгилансин.

Қарор ижросини муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси департаменти раҳбари О.Қ. Абдурахманов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2024 йил 19 июль,  
ПҚ-274-сон

**БЕШИНЧИ БЎЛИМ**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ҲУЗУРИДАГИ  
СОЛИҚ ҚўМИТАСИННИГ  
ҚАРОРИ

**249** Ундирилиши умидсиз деб эътироф этилган солик қарзини ҳисобдан чиқариш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгариши ва қўшимчалар киритиш тўғрисида\*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2024 йил  
17 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3256-1*

Ўзбекистон Республикаси Солик кодексининг 96-моддасига асосан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Солик қўмитаси қарор қиласиди:

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат солик қўмитасининг 2020 йил 1 июнданги 2020-22-сон қарори (рўйхат рақами 3256, 2020 йил 30 июнь) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 30.06.2020 й., 10/20/3256/1046-сон) билан тасдиқланган Ундирилиши умидсиз деб эътироф этилган солик қарзини ҳисобдан чиқариш тартиби тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзгариши ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги билан келишилган.

3. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Раис**

**Ш. КУДБИЕВ**

Тошкент ш.,  
2024 йил 28 июнь,  
2024-09-сон

*Келишилди:*

*Иқтисодиёт ва молия вазари*

*Д. КУЧКАРОВ*

2024 йил 6 июнь

\* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2024 йил 18 июлда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси  
Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги  
Солик қўмитасининг 2024 йил 28 июнданги  
2024-09-сон қарорига  
ИЛОВА

**Ундирилиши умидсиз деб эътироф этилган солиқ қарзини  
хисобдан чиқариш тартиби тўғрисидаги низомга киритилаётган  
ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. Муқаддимадаги «Банкротлик тўғрисида»ги Конунига» деган сўзлар «Тўловга қобилиятсизлик тўғрисида»ги Конунига» деган сўзлар билан алмаштирилсин.
2. 4-банд «якка тартибдаги тадбиркор» деган сўзлардан кейин «ёки жисмоний шахс» деган сўзлар билан тўлдирилсин.
3. 9-банда:  
иккинчи хатбошидаги «банкротлик» деган сўз «тўловга қобилиятсизлик» деган сўзлар билан алмаштирилсин;  
қўйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:  
«жисмоний шахснинг мол-мулкини сотиш тартиб-таомилини тамомлаш тўғрисидаги суд ажрими, бундан суд ажримида мажбуриятлардан озод этиш қоидаси қўлланилмаслиги кўрсатилган ҳолатлар ҳамда тўловга қобилияцизлик тўғрисидаги иш тамомланганидан кейин суд томонидан қарздор жисмоний шахсни мажбуриятлардан озод этиш ҳақидаги қоида қўлланилмаслиги тўғрисида ажрим чиқарилган ҳолатлар мустасно.».

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI  
 SOG'LIQNI SAQLASH VAZIRLIGI  
 O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI  
 INVESTITSIYALAR, SANOAT VA SAVDO VAZIRLIGI  
 O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI  
 DAVLAT AKTIVLARINI BOSHQARISH AGENTLIGINING  
 QARORI

**250** “Tashkent Pharma Park” innovatsion ilmiy-ishlab chiqarish farmatsevtika klasteri hududida investitsiya loyihalarini joylashtirish, klaster a'zolari (ishtirokchilari)ni ro'yxatdan o'tkazish va ularga guvohnomalarni berish tartibi to'g'risidagi nizomga qo'shimchalar kiritish haqida\*

*O'zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2024-yil 17-iyulda ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 3489-1*

O'zbekiston Respublikasining 2024-yil 7-fevraldagagi O'RQ-905-son “Davlat xizmatlari ko'rsatish hamda tadbirkorlik subyektlarining huquqlarini va qonuniy manfaatlarini himoya qilish tizimi takomillashtirilishi munosabati bilan O'zbekiston Respublikasining ayrim qonun hujjalariiga o'zgartirish va qo'shimchalar kiritish to'g'risida”gi Qonuniga muvofiq, O'zbekiston Respublikasi Sog'lioni saqlash vazirligi, Investitsiyalar, sanoat va savdo vazirligi hamda Davlat aktivlarini boshqarish agentligi **qaror qiladi**:

1. O'zbekiston Respublikasi Sog'lioni saqlash vazirligining 2023-yil 22-dekabrdagi 11-sodan, Investitsiyalar, sanoat va savdo vazirligining 2023-yil 20-dekabrdagi 2023/31-10-sodan hamda Davlat aktivlarini boshqarish agentligining 2023-yil 14-dekabrdagi 01/14-07-2/30-sodan qarori (ro'yxat raqami 3489, 2024-yil 10-yanvar) (Qonunchilik ma'lumotlari milliy bazasi, 11.01.2024-y., 10/24/3489/0018-sodan) bilan tasdiqlangan “Tashkent Pharma Park” innovatsion ilmiy-ishlab chiqarish farmatsevtika klasteri hududida investitsiya loyihalarini joylashtirish, klaster a'zolari (ishtirokchilari)ni ro'yxatdan o'tkazish va ularga guvohnomalarni berish tartibi to'g'risidagi nizomga ilovaga muvofiq qo'shimchalar kiritilsin.

2. Mazkur qaror O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi huzuridagi Soliq qo'mitasi, O'zbekiston Respublikasi Savdo-sanoat palatasi hamda O'zbekiston Respublikasi Prezidenti huzuridagi Tadbirkorlik subyektlarining huquqlari va qonuniy manfaatlarini himoya qilish bo'yicha vakil bilan kelishilgan.

3. Mazkur qaror rasmiy e'lon qilingan kundan e'tiboran kuchga kiradi.

**Sog'lioni saqlash vaziri**

**A. XUDAYAROV**

Toshkent sh.,  
2024-yil 27-iyun,  
21-sodn

\* Ushbu qaror «Qonunchilik ma'lumotlari milliy bazasi»da 2024-yil 18-iyulda e'lon qilingan.

**Investitsiyalar,  
sanoat va savdo vaziri**

**L. KUDRATOV**

Toshkent sh.,  
2024-yil 24-iyun,  
20-365-son

**Davlat aktivlarini boshqarish  
agentligi direktori**

**A. ORTIKOV**

Toshkent sh.,  
2024-yil 21-iyun,  
135/25-qr-son

*Kelishildi:*

*Soliq qo'mitasi raisi*

*Sh. KUDBIYEV*

*2024-yil 13-iyun*

*O'zbekiston Savdo-sanoat  
palatasi Raisi*

*D. VAXABOV*

*2024-yil 31-may*

*Tadbirkorlik subyektlarining  
huquqlari va qonuniy manfaatlarini  
himoya qilish bo'yicha vakil*

*D. KASIMOV*

*2024-yil 4-iyun*

O'zbekiston Respublikasi  
 Sog'liqni saqlash vazirligining 2024-yil  
 27-iyundagi 21-son, Investitsiyalar, sanoat va  
 savdo vazirligining 2024-yil 24-iyundagi  
 20-365-son hamda Davlat aktivlarini boshqarish  
 agentligining 2024-yil 21-iyundagi  
 135/25-qr-son qaroriga  
 ILOVA

**“Tashkent Pharma Park” innovatsion ilmiy-ishlab chiqarish  
 farmatsevtika klasteri hududida investitsiya loyihibalarini  
 joylashtirish, klaster a'zolari (ishtirokchilarini)ni ro'yxatdan  
 o'tkazish va ularga guvohnomalarini berish tartibi to'g'risidagi  
 nizomga kiritilayotgan qo'shimchalar**

1. 3-bandda:

quyidagi mazmundagi beshinchi xatboshi bilan to'ldirilsin:

“biologik faol qo'shimchalar, vitaminlar, sport ozuqalari, kosmetika va  
 gigiyenik vositalar ishlab chiqarish;”;

beshinchi xatboshi oltinchi xatboshi deb hisoblansin.

2. 5-bandning uchinchi xatboshisi “yuridik shaxs ustavining” degan so'zlaridan  
 keyin “ko'chirma nusxasi va chet el yuridik shaxsi uchun, shuningdek” degan  
 so'zlar bilan to'ldirilsin.

---

\* 1-2-ilovalar «Qonunchilik ma'lumotlari milliy bazasi»da e'lon qilingan.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ИҚТИСОДИЁТ ВА МОЛИЯ ВАЗИРИНИНГ  
БҮЙРУФИ

**251** **Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти (12-сонли БҲМС) «Молиявий инвестицияларни ҳисобга олиш»ни тасдиқлаш ҳақида\***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2024 йил 18 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3531*

Ўзбекистон Республикасининг «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонунiga мувофиқ **буюраман**:

1. Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти (12-сонли БҲМС) «Молиявий инвестицияларни ҳисобга олиш» иловага мувофиқ тасдиқлансан.

2. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 1998 йил 23 деқабрда 65-сон билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти 12-сон БҲМС «Молиявий инвестицияларни ҳисобга олиш» (рўйхат рақами 596, 1999 йил 16 январь) (Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идораларининг норматив хужжатлари ахборотномаси, 1999 йил, З-сон) ўз кучини йўқотган деб топилсан.

3. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Вазир**

**Д. КУЧКАРОВ**

Тошкент ш.,  
2024 йил 14 июнь,  
138-сон

\* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2024 йил 18 июлда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси  
иқтисодиёт ва молия вазирининг 2024 йил  
14 июнданги 138-сон бўйруғига  
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Бухгалтерия ҳисоби миллий  
стандарти (12-сонли БҲМС) «Молиявий инвестицияларни  
ҳисобга олиш»**

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Мазкур Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти (бундан бўён матнда БҲМС деб юритилади) «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига асосан ишлаб чиқилган ва Ўзбекистон Республикасида бухгалтерия ҳисобини норматив тартибга солиш элементи бўлиб ҳисобланади.

2. Мазкур БҲМСнинг мақсади бюджет, суғурта ташкилотлари, банклар ва бошқа кредит ташкилотларидан ташқари мулкчилик шаклидан қатъий назар Ўзбекистон Республикасида фаолият юритаётган барча юридик шахсларда (бундан бўён матнда ташкилот деб юритилади) молиявий инвестицияларни ҳисобга олиш усулини аниқлаш ва уларни молиявий ҳисоботларда акс эттириш тартибини белгилаш ҳисобланади.

3. Мазкур БҲМС ташкилотлар томонидан молиявий инвестицияларни ва улар тўғрисидаги маълумотларни бухгалтерия ҳисобида ёритиб бериш учун қўлланилади.

4. Ташкилот молиявий инвестициялар ҳисобини мазкур БҲМСнинг 7 — 28-бандларига мувофиқ юритади ва улар қўйидаги масалаларни ўз ичига олади:

молиявий инвестицияларни (қисқа муддатли ва узок муддатли) тоифаларига қараб таснифлаш;

молиявий инвестициялар қийматини аниқлаш ва уларни молиявий ҳисоботларда акс эттириш;

молиявий инвестицияларни бир тоифадан бошқасига ўтказиш;

молиявий инвестициялар қийматининг қайтарилмайдиган пасайиши.

5. Мазкур БҲМС қўйидагиларга нисбатан татбиқ этилмайди:

фоизлар, роялти, дивидендлар ва ижара ҳақи шаклидаги инвестициялар бўйича олинган даромадларни тан олиш асослари;

шўъба жамиятларга инвестициялар;

биргаликда фаолиятга инвестициялар;

гудвилл, патентлар, савдо белгилари ва бошқа номоддий активлар;

Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти (6-сонли БҲМС) «Ижара ҳисоби»да (рўйхат рақами 1946, 2009 йил 24 апрель) келтирилган таърифга мос келадиган молиявий лизинг.

6. Мазкур БҲМСда қўйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

молиявий инвестициялар — ташкилот тасарруфидаги даромад олишга (фоиз, роялти, дивиденд ва ижара ҳақи шаклида) мўлжалланган, инвестиция

қилинган капитал қийматининг ортиши ёки инвестиция қилувчи компаниянинг бошқа наф олиш учун фойдаланадиган активлар;

қисқа муддатли (жорий) молиявий инвестициялар — муомалада бўлиш муддати 12 ойдан ошмайдиган осон реализация қилинадиган молиявий инвестициялар;

узоқ муддатли молиявий инвестициялар — қисқа муддатли (жорий) молиявий инвестициялардан ташқари барча молиявий инвестициялар;

кўчмас мулкка инвестиция — инвестиция қилувчи ташкилотнинг ёки инвестиция қилувчи ташкилот гурухига кирувчи бошқа ташкилотнинг ишлаб чиқариш фаолияти давомида фойдаланилмайдиган ер майдонларига ёки иморатларга молиявий инвестициялар;

жорий қиймат — бир-бираiga қарам бўлмаган, лекин сотиб олишни хоҳланган хабардор харидор билан сотишни хоҳлаётган хабардор сотувчи ўртасида актив алмаштириладиган сумма;

бозор қиймати — молиявий инвестицияларнинг актив бозорда аниқланадиган суммаси.

## **2-боб. Молиявий инвестицияларни таснифлаш**

7. Ўзининг молиявий хисботларида айланма маблағлар ва узоқ муддатли активлар ўртасидаги тафовутни кўрсатувчи ташкилотлар муомалада бўлиш муддати 1 йилгача бўлган қисқа муддатли (жорий) молиявий инвестицияларни айланма маблағ сифатида, муомалада бўлиш муддати 1 йилдан ошадиган узоқ муддатли молиявий инвестицияларни эса узоқ муддатли активлар сифатида кўрсатишлари керак.

8. Ўзининг балансларида қисқа муддатли ва узоқ муддатли молиявий инвестицияларни фарқламайдиган ташкилотлар мазкур БҲМСнинг 13 ва 15-бандларига мувофиқ молиявий инвестицияларни баҳолаш ва балансдаги қийматни аниқлаш мақсадларида ушбу фарқлашни амалга оширишлари керак.

## **3-боб. Молиявий инвестицияларни баҳолаш**

9. Харид қилинганда молиявий инвестициялар сотиб олиш қиймати бўйича баҳоланади ва бу қийматга брокерлар хизмати учун тўланган ҳақ, банк хизмати учун тўловлар, божлар ва бошқа харажатлар киритилади.

10. Агар молиявий инвестиция тўлалигича ёки қисман акцияларни эмиссия қилиш ёки бошқа қимматли қофозлар чиқариш йўли билан харид қилинаётган бўлса, харид қилиш қиймати чиқарилган қимматли қофозларнинг номинал қийматига эмас, балки уларни жорий қийматига teng бўлади. Агар инвестиция тўлалигича ёки қисман бошқа активга алмаштириш йўли билан харид қилинаётган бўлса, унинг харид қиймати берилаётган активнинг жорий қиймати бўйича аниқланади.

11. Харид қилинган пайтгача бўлган давр учун фоизлар улуши ҳисобланган дивидендларни ўз ичига олган қиймат бўйича харид қилинган молиявий инвестициялар харидор томонидан сотувчига тўланган фоизлар суммасини чегириб ташлаб, харид қиймати бўйича ҳисобга олинади.

12. Қарз қимматли қоғозларга инвестицияларнинг харид қиймати билан тўлаш қиймати ўртасидаги тафовут (дисконт ёки харид қилишдаги мукофот) инвестициялар бўйича доимий даромад мавжуд бўлиши учун инвестор томонидан харид қилинган пайтдан бошлаб қарз тўлангунга қадар ҳисобдан чикариб борилади.

#### **4-боб. Молиявий инвестицияларнинг баланс қиймати**

##### **1-§. Қисқа муддатли (жорий) молиявий инвестициялар**

13. Қисқа муддатли (жорий) активлар сифатида тасниф қилинган молиявий инвестициялар бухгалтерия балансида қўйидаги усуллар орқали ҳисобга олинади:

бозор қиймати;  
харид қиймати ва бозор қийматидан иборат икки қийматнинг энг кичиги бўйича.

Агар қисқа муддатли молиявий инвестициялар харид қиймати ва бозор қийматларидан энг кичиги баҳоси бўйича ҳисобга олинадиган бўлса, баланс қиймати инвестиция портфелининг умумий қиймати асосида ёки инвестициялар турлари бўйича ёхуд алоҳида инвестициялар асосида аниқланади.

14. Қисқа муддатли инвестициялар бозор қийматининг ўзгаришидан келадиган даромад ёки зарап ўзгариш содир бўлган ҳисбот даврида тан олинади.

##### **2-§. Узоқ муддатли молиявий инвестициялар**

15. Узоқ муддатли активлар сифатида тасниф қилинган молиявий инвестициялар бухгалтерия балансида қўйидаги усуллар орқали ҳисобга олинади:

харид қиймати;  
қайта баҳолашни ҳисобга олган қиймат бўйича;  
инвестиция портфели усули бўйича аниқланган, харид қиймати ва бозор қийматидан энг кичиги баҳоси бўйича.

16. Узоқ муддатли молиявий инвестицияларни қайта баҳолаш учун қайта баҳолашни амалга ошириш даврийлигини, шу жумладан узоқ муддатли инвестициялар тоифаларини аниқлаш зарур.

17. Узоқ муддатли молиявий инвестициялар қиймати пасайганда барча узоқ муддатли молиявий инвестицияларнинг баланс қиймати пасайтирилади, бундан баланс қийматининг вақтинча пасайиши мустасно. Бундай пасайтириш ҳар бир алоҳида молиявий қўйилма бўйича аниқланади ватайёрланади.

18. Узоқ муддатли инвестициялар харид қиймати бўйича ҳисобга олинганда, узоқ муддатли молиявий инвестициялар қиймати қайтариб бўлмайдиган даражада пасайган тақдирда, бу инвестицияларнинг баланс қиймати ҳар бир инвестиция бўйича алоҳида камайтирилиши керак. Бунда, хатарнинг турлари, инвестиция қилинаётган ташкилотда инвесторнинг улуши эътиборга олинади.

19. Узок муддатли молиявий инвестициялар баланс қийматининг вақтинча пасайиши ҳисобда акс эттирилмайди. Молиявий инвестициялар қиймати пасайишнинг бошқа ҳоллари мазкур БХМСнинг 21-бандига мувофиқ кўриб чиқлади.

### **5-боб. Молиявий инвестициялар баланс қийматини қайта баҳолаш**

20. Қисқа муддатли (жорий) молиявий инвестицияларни бозор қиймати бўйича ҳисобга олувчи ташкилот ҳисоб сиёсатида инвестициялар баланс қийматининг камайиши ёки кўпайишини қўйидагича акс эттиради:

даромад ёки харажат сифатида;  
мазкур БХМСнинг 21-бандига мувофиқ равища.

21. Узок муддатли молиявий инвестицияларни қайта баҳолаш натижасидаги қўшимча баҳолаш суммаси хусусий капиталга қайта баҳолашдан даромад сифатида қўшилади. Молиявий инвестициялар қиймати пасайганда камайтириш хусусий капиталда акс эттирилган ўша инвестицияларни қўшимча баҳолаш суммаси ҳисобидан амалга оширилади. Агар молиявий инвестициялар қийматини камайтириш суммаси қайта баҳолашдан олинган даромад суммасидан ошса, бу фарқ харажат сифатида тан олиниши керак. Қиймати пасайтирилган инвестицияларни қўшимча баҳолаш миқдори шу инвестициялардан келган зарар қоплангандан сўнг хусусий капитал кўпайишига киритилади.

### **6-боб. Молиявий инвестицияларни сотиш ва уларни бир тоифадан бошқасига ўтказиш**

22. Молиявий инвестицияларни сотишда сотишдан олинган тушум билан баланс қиймати ўртасидаги фарқ тегишли харажатларни (брокер ёки дилер хизмати ҳақи) чегириб ташлангандан сўнг даромад ёки харажат сифатида тан олинади.

Агар қисқа муддатли молиявий инвестициялар балансда портфел усули бўйича, харид қиймати ёки бозор қийматидан иборат икки қийматнинг энг пастида ҳисобга олинган бўлса, қисқа муддатли молиявий инвестицияларни сотишдан даромад ёки харажат уларни реализация қилиш нархи билан харид қилиш нархи ўртасидаги фарқ сифатида аниқланади.

Агар инвестиция илгари қайта баҳолангандан ёки бозор қиймати бўйича ҳисобга олинган, баланс қиймати эса қўшимча баҳолаш қийматини ҳисобга олган ҳолда кўпайтирилган бўлса, ташкилот қўшимча баҳолашни қолдиқ суммасини даромад ҳисобварағига кредитлаши ёки уни тақсимланмаган фойда ҳисобига ўтказишини ҳисоб сиёсатида тасдиқлаши керак.

23. Агар қисқа муддатли молиявий инвестициялар харид қиймати ва бозор қийматининг энг кичиги бўйича ҳисобга олинадиган бўлса, узок муддатли молиявий инвестицияларни қисқа муддатли (жорий) инвестицияларга ўтказиш ҳам харид қиймати ва баланс қийматининг энг кичиги бўйича амалга оширилади.

24. Агар узок муддатли молиявий инвестициялар илгари қайта баҳоланган бўлса, уларни қисқа муддатли (жорий) инвестициялар тоифасига ўтказишида ва бу қисқа муддатли (жорий) молиявий инвестициялар бозор қиймати бўйича ҳисобга олинган бўлса, қайта баҳолаш қиймати баланс қийматидан чиқариб ташланиши керак.

Агар қисқа муддатли молиявий инвестицияларнинг бозор қийматидаги ўзгариш даромадга киритиладиган бўлса, қўшимча баҳолашнинг қолган хар қандай миқдори даромадга ўтказилиши керак.

25. Қисқа муддатли молиявий инвестицияларни узок муддатли молиявий инвестициялар тоифасига ўтказиш харид қилиш қиймати ва бозор қийматидан энг кичиги ёки бозор қиймати бўйича, агар инвестиция илгари шу қиймат бўйича ҳисобга олинган бўлса, амалга оширилади.

### **7-боб. Молиявий инвестициялар бўйича операциялардан молиявий натижалар**

26. Молиявий натижаларга қўйидагилар киритилади:

а) молиявий инвестициялар бўйича қўйидаги кўринишдаги даромадлар/харожатлар:

узоқ муддатли ва жорий инвестициялар бўйича фоизлар, роялти, дивиденdlар ва ижара тўловлари;

қисқа муддатли молиявий инвестицияларни сотишдан даромадлар ва зарарлар;

мазкур БХМСнинг 20-бандига мувофиқ бозор қиймати бўйича ҳисобга олинган қисқа муддатли (жорий) молиявий инвестициялар бўйича реализация қилинмаган даромадлар ва зарарлар;

харид қиймати ва бозор қийматидан иборат икки қийматнинг энг кичиги бўйича баҳоланган қисқа муддатли молиявий инвестицияларни тақдим қилиш учун талаб қилинадиган бозор қийматининг камайтирилиши ва бундай камайтиришнинг қайтадан тикланиши;

б) узоқ муддатли молиявий инвестициялар қийматининг вақтинчалик камайишидан ташқари баланс қийматининг пасайиши ва бундай пасайишлар копланиши;

в) мазкур БХМСнинг 22-бандига мувофиқ ҳисобланган узоқ муддатли молиявий инвестицияларни сотишдан даромадлар ва зарарлар.

27. Мазкур БХМСни қўлланиш натижасида юзага келадиган солиқ оқибатларини ҳисобга олиш Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига мувофиқ амалга оширилади.

### **8-боб. Ёритиб бериш**

28. Молиявий ҳисботларда қўйидагилар ёритиб берилиши лозим:

а) ҳисоб сиёсатида:

молиявий инвестицияларнинг баланс қийматини аниқлаш;

бозор қиймати бўйича ҳисобга олинган қисқа муддатли (жорий) молиявий инвестицияларнинг бозор қийматидаги ўзгаришларни акс эттириш;

қайта баҳоланган молиявий инвестицияларни сотишда қўшимча баҳолаш суммасини акс эттириш;

б) қўйидаги кўринишда олинган даромадга киритилган катта миқдордаги суммалар:

узоқ муддатли ва қисқа муддатли (жорий) молиявий инвестициялар бўйича фоизлар, роялти, дивиденdlар ва ижара ҳақлари;

қисқа муддатли молиявий инвестицияларни сотишдаги даромадлар ва зарарлар;

бундай молиявий инвестициялар қийматидаги ўзгаришлар;

в) реализация қилинаётган инвестицияларнинг бозор қиймати, агар улар балансда бозор қиймати бўйича ҳисобга олинмаган бўлса;

г) кўчмас мулкка молиявий инвестицияларнинг жорий қиймати, агар улар узоқ муддатли инвестиция сифатида ҳисобга олинган бўлса ва жорий қиймати бўйича акс эттирилмаса;

д) инвестицияларга муҳим чеклашлар ёки инвестицияларни реализациясидан даромад ва тушумни ўтказиш;

ж) қайта баҳолаш суммаси бўйича ҳисобга олинган узоқ муддатли инвестициялар:

қайта баҳолаш ўтказилишини даврийлигини аниқлаш сиёсати;

сўнгги марта қайта баҳоланган сана;

қайта баҳолаш асоси ва ташқи баҳоловчини жалб этиш факти;

з) давр ичida баҳосининг оширилиши суммасидаги ўзгаришлар ҳамда бу ўзгаришларнинг тавсифи;

и) асосий фаолияти инвестиция фаолиятидан иборат бўлган ташкилотлар учун инвестиция портфелини таҳлил қилиш.

**Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг  
вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг  
норматив-хуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан  
ўтказиш ҳолати тўғрисида  
МАЪЛУМОТИ**

**I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:**

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Солик қўмитасининг 2024 йил 28 июндаги 2024-09-сон “Ундирилиши умидсиз деб эътироф этилган солиқ қарзини ҳисобдан чиқариш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қарори.

**2024 йил 17 июлда давлат рўйхатидан ўтказилди, рўйхат рақами 3256-1.**

2. O‘zbekiston Respublikasi Sog‘liqni saqlash vazirligining 2024-yil 27-iyundagi 21-son, Investitsiyalar, sanoat va savdo vazirligining 2024-yil 24-iyundagi 20-365-son hamda Davlat aktivlarini boshqarish agentligining 2024-yil 21-iyundagi 135/25-qr-son “Tashkent Pharma Park” innovatsion ilmiy-ishlab chiqarish farmatsevtika klasteri hududida investitsiya loyihalarini joylashtirish, klaster a’zolari (ishtirokchilari)ni ro‘yxatdan o’tkazish va ularga guvohnomalarni berish tartibi to‘g‘risidagi nizomga qo‘srimchalar kiritish haqida”gi qarori.

**2024-yil 17-iyulda ro‘yxatdan o’tkazildi, ro‘yxat raqami 3489-1.**

3. Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёт ва молия вазирининг 2024 йил 14 июндаги 138-сон “Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти (12-сонли БХМС) “Молиявий инвестицияларни ҳисобга олиш”ни тасдиқлаш ҳақида”ги буйруғи.

**2024 йил 18 июлда давлат реестридан чиқарилди, рўйхат рақами 3531.**

**II. Давлат реестридан чиқарилди:**

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 1998 йил 23 деқабрда 65-сон билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти 12-сон БХМС “Молиявий инвестицияларни ҳисобга олиш” (рўйхат рақами 596, 1999 йил 16 январь).

**2024 йил 18 июлда давлат реестридан чиқарилди.**

**Мазкур ҳужжатлар қонунчиликка ўзгартириш киритилиши ва/ёки янги норматив-хуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.**

